Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2022-yil 22-aprel / № 14 (4673)

НАВҚИРОН ФАСЛ ИЛҲОМЛАРИ

Шу кунларда пойтахтимизда анъанавий Халқаро Тасвирий ва амалий санъат фестивали бўлиб ўтмоқда. Тадбир аввалида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуритдинов мазкур анжумандан кўзланган мақсад ҳақида шундай деди:

– Фестиваль пандемиядан кейинги энг нуфузли лойиҳалардан бири бўлди. Мақсадимиз Ўзбекистон ёшларининг ижод намуналари билан нафақат халқимизни, балки хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган иштирокчиларни ҳам яқиндан таништиришдир. Ёшларни эришган ютуқларини намойиш этиш, қўллаб-қувватлаш, олдинга қўйган мақсад сари интилишларига кўмаклашиш фестивалнинг асосий вазифасидир.

Ўн бешинчи марта ўтказилаётган фестивалда ҳафта давомида таниқли рассомлар, ҳайкалтарошлар, ҳунармандлар, қўлигул усталарнинг сара асарлари кўргазмаси, устоз-шогирд мулоқотлари, қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди.

Марказий кўргазмалар залининг биринчи қаватида очилган экспозициядан Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби жамоасининг турли йўналишдаги амалий санъат намуналари ўрин олган. Гўзал Нуриддинова томонидан моҳирона тикилган кашталар, жозибали чизилган шакллардаги, ранглар уйғунлиги эътиборни тортади. Унинг “Кўзмунчоқ”, “Орзу” , “Илҳом” каби асарлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Жанубий Кореянинг Кемён университети ўқитувчилари ва талабаларининг кўргазмаси ҳам иштирокчилар эътиборини тортди. Ким Хён Укнинг “Сингиш”, Занг Із Мукнинг “Очилаётган гуллар”, Квак До Ённинг “Кийиклар”, “Кўк гуллар ва асаларилар” каби тасвирий ва амалий санъат намуналарида корейс халқининг азалий анъаналари акс этган.

Иккинчи қаватда Азамат Ҳатамовнинг ижодий кўргазмаси очилди. Унда охирги йилларда таниқли ҳайкалтарош яратган олтмишдан ортиқ ҳайкалтарошлик, чизма тасвир ва рангтасвир композициялари ўрин олган.

А.Ҳотамов табиатни, одамларнинг турмуш тарзи, дунёқарашини кузатиб, уларни фалсафий руҳда тасвирлайди. “Майрамхон”, “Оила”, “Тулпор”, “Менинг қанотларим” каби асарларида манзара, қиёфа, нигоҳлар аниқ, табиий тасвирланган. “Чингиз Аҳмаров”, “Мусиқачи”, “От”, “Аёл” сингари ҳайкалтарошлик ишларида замондошлар қиёфалари маҳорат билан талқин этилган.

►6

МУТОЛАА МЎЪЖИЗАСИ

КИТОБХОНЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 – 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, 2021 йилдан бошлаб ҳар йил апрель ойида “Китобхонлик ҳафталиги” ташкил этиш белгиланди. Мазкур қарор мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг ижросининг мантиқан давомидир.

II Respublika
KITOBXONLIK HAFTALIGI
KITOBSEVAR MILLAT
2022-yil, 18–23-aprel

Анъанага кўра, шу ҳафта Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида “Китобсевар миллат” шиори остида II Республика “Китобхонлик ҳафталиги” бўлиб ўтмоқда. Бу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими ва Маданият вазирликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

– Тадбирлар давомида юздан ортиқ нашриёт томонидан сўнгги йилларда нашр этилган янги китоблар тақдимоти, ўнлаб таниқли, ёш ва истеъдодли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шу билан бирга, китобларнинг мазмун-мундарижасини бойитиш, матбаа сифатини яхшилаш юзасидан муаллифлар, таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, китоб графикаси бўйича мутахассис рассомлар, ношир лар, матбаачиларнинг кенг китобхонлар оммаси билан бевосита учрашувлари ўтказилди, – дейди Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А. Ходжаев.

Ҳафталик дастури доирасида “Меҳр кутубхонаси” лойиҳасида Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари кутубхоналарига китоблар тақдим этилди. Филология, таржимонлик йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун “Меҳнат ярмаркалари” ташкил қилинди. Айни пайтда тегишли соҳа мутахассислари иштирокида “Ноширлик ишини янги босқичга олиб чиқиш, нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш” мавзусида амалий семинар, “Кутубхоначилар ва ноширлар ҳамкорлиги”, болалар адабиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда.

Пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ва “Magic City” истироҳат боғидаги тадбирларнинг янада қизиқарли ўтишида таниқли ва ёш санъаткорларнинг иштироки ҳам китобхонларнинг эътиборини қозонди.

Китобхонлик ҳафталиги мобайнида пойтахтда ўтказилган тадбирларда қирққа яқин нашриётда чоп этилган 300 дан зиёд янги китоблар тақдимоти, ўнлаб таниқли адиб ва шоирлар, ёш ижодкорлар, ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ҳафталик дастурига киритилган очиқ мулоқотларда мавжуд муаммолар ҳам ўртага ташланди, олдинда турган вазифалар аниқлаб олинди.

Ёшларга ҳаётда тўғри йўлни танлашга ёрдам берадиган, фикрлашга ундайдиган китоблар барча замонларда ҳам бебаҳо саналган. “Сизга қандайдир янгилик берган нарса китоб дея аталишга лойиқ, қолган барчаси – бу ёки у соҳадаги билимларни осонлик билан эгаллашдан иборат, – деб ёзган эди олмониялик олим Георг Лихтенберг. – Яъни янги мамлакатни кашф этиш бошқа, кашф этилганининг аниқ харитасини тузиб чиқиш бошқа – уларнинг фарқи айнан мана шундадир”. Шу нуқтаи назардан қараганда, талабчан китобхон учун аксарият асарлар қайта-қайта “харита тузиш”га ўхшаб кетади. Ёшларга эса, “харита” эмас, ҳақиқий янги оламни тавсия этиш лозим. Адабий жараёнда бу оламни ажратиб бериш адабиётшуносликнинг вазифаси саналади.

Таъкидлаш жоизки, маданият равнақига хизмат қилиши мумкин бўлган бадиий асарлар ҳам 2-3 минг нусхада чоп этилиб, улар китоб қадрини биладиган зиёлилардан ортмаяпти.

Ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан сақлашда самарали йўл, шубҳасиз, китоб мутолааси. Яхши китоб ўқиш ўқувчининг дунёқарашини кенгайтиради, хотирасини мустаҳкамлайди, тенгдошларидан бир қадам олдинга олиб чиқади, ҳаётда тўғри йўл топишга ёрдам беради. Бу каби фойдали жиҳатларни кўплаб келтириш мумкин. Шу боисдан ҳам бутун дунёда, ҳатто ривожланган давлатлар олдида ҳам ёшларни китобхонликка қайтариш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

►4

Ойдин Ҳожиева 80 ёшда

ОНАЖОНИМ

Онажоним,
Кўзларингизда
Куннинг нафаслари бор эди.
Онажоним, юзларингизга
Ойнинг ҳаваслари бор эди.
Онажоним, сиз билан жаҳон
Бехиёлдай ифорли эди.
Тунлар ойдин, кунлар шодмон,
Шабадалар дуторли эди.
Тушларимга кириб чиқасиз,
Сочларимни ўриб чиқасиз.
Фариштадай бошим узра гоҳ
Оромимни кўриб чиқасиз.
Талпинаман, қучсайдим қани?
Соғинчлардан қочсайдим қани?
Кўзёшларим гулга айланса,
Пойингизга сочсайдим қани?
Онажоним!
Жонажоним!

►3

МАДАНИЯТИМИЗ ХАЗИНАБОНЛАРИ

Юртимизда байрамлар кўп. Чунки тинчлик ҳукм сураётган, осмони мусаффо юртга байрамлар ярашади. Бизда, айниқса, касб байрамларига катта эътибор берилиши анъанага айланган. Шубҳасиз, бундай байрамлар, санъат ва маданият аҳлининг иштирокисиз ўтмайди. Чунки куй-қўшиқ, рақсларсиз, кўнгилочар тадбирлару томошаларсиз байрамга файз кирмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Журналист сифатида узоқ йиллардан буён маданият ва санъат йўналишида қалам тебратиб келаётган бўлсам-да, барча байрам ва тантаналарнинг кўнгилли ўтишига астойдил ҳисса қўшаётган соҳа ходимларининг алоҳида байрам қиладиган куни йўқлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Назаримда, ҳаёти ва ижодини халқ хизматига бағишлаган бу инсонларнинг ўзи ҳам бу ҳақда ўйламаган бўлсалар керак.

►2

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон дирижёрлик мактабининг шуҳрати жаҳон бўйлаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Устоз дирижёрларимиз Д.Абдураҳмонова, З.Ҳақназаров, В.Неймер юртимизда бу санъатнинг тараққий этишида тинимсиз меҳнат орқали уни дунёга олиб чиққан бўлсалар, бугунги кунда жаҳон саҳналарини забт этиб келаётган ёшлар А.Шоҳакимов, К.Ўринбоев, Б.Худойқулов, А.Кабдураҳманов ушбу санъатнинг профессионал бадиий савиясини ҳамда маҳорат даражасини янада юксалтиришга муваффақ бўлмоқдалар.

ЎЗБЕК ДИРИЖЁРЛИК МАКТАБИНИНГ ШУҲРАТИ

Юксак иқтидор эгаси, иродали ва собитқадам ёш дирижёр Азиз Шоҳакимов бугунги кунда жаҳоннинг кўзга кўринган симфоник оркестрлари ҳамкорлигида профессионал даражадаги концертлари билан майдонга чиқди. Аввалига Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг дирижёри сифатида ижодий фаолиятини бошлаган Азиз Шоҳакимов ўзининг ижодий салоҳияти боис Г.Малер номидаги ёш дирижёрларнинг нуфузли Халқаро танловида иккинчи ўринни эгаллади. Бовария давлат филармониясининг Бамбер симфоник оркестри томонидан ўтказилган ушбу танловда Азиз мисли кўрилмаган муваффақиятга эришиб, жаҳон ижодкорларининг юксак эътирофига сазовор бўлди. Одатда, ҳар қандай нуфузли халқаро танловнинг совриндорларига жаҳоннинг етакчи ижодий жамоалари томонидан ижодий буюртмалар кела бошлайди.

►2

ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан икки йилдан буён мамлакатимиз ёшлари қалбида адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтириш, янги истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида “Хиёбон оқшомлари” шеърият кечаси ўтказиб келинади. Ҳафтанинг ҳар шанба кунлари Адиблар хиёбонида бўлиб ўтадиган шеърият кечаларида шоирлар ўз ижодидан, устоз ё тенгдош шоирлар шеърларидан намуналар ўқишади. Устоз адиблар, адабиётшунослар, ношир лар, нашриёт жамоалари, таниқли қўшиқчилар меҳмон бўлади.

Янги йилдан эътиборан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг барча вилоят бўлимларида ҳам ойига бир марта шундай назм ва наво оқшомлари ўтказиш йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида шундай адабий тадбирлар ташкил этилди.

Адиблар хиёбонида бўлиб ўтган навбатдаги файзли оқшомда бир гуруҳ устоз ва ёш ижодкорлар иштирок этиб, ўз шеърларидан ўқишди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Маҳмуд Намозов машҳур қўшиқлари билан назм ва наво оқшомига кўтаринки руҳ бағишлади.

Фозил ФАРҲОД

ЎЗБЕК ДИРИЖЁРЛИК МАКТАБИНИНГ ШУҲРАТИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шунга кўра, Азиз Шоҳакимовнинг ижоди билан қизиққан дунёнинг етакчи санъат усталари уни ишга таклиф этдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, у Саксония давлат капелласи, Дюссельдорф симфоник оркестри, Бремен филармониясининг камер оркестри, Германиянинг Жануби-Ғарбий радиоси оркестри, Франкфурт радиосининг симфоник окрестри, Дрезден филармоник оркестри, Берлин немис симфоник окрестри, Тонкюнстлер оркестри, Тироль симфоник оркестри, Страсбург, Монте-Карло, Лондон, Италия филармоник оркестрлари, Польшадаги Simfonia Varsovia, Америка Қўшма Штатларидаги Орегона, Хьюстон ва Тинч океан минтақаси симфоник оркестрлари, Японияда Ёмиури симфоник оркестри билан муваффақиятли концертлар ўтказиб, юксак олқишларга эришди.

Бугунги кунда Азиз Шоҳакимов Францияда Страсбург филармоник оркестрининг мусиқий ҳамда бадиий раҳбари сифатида фаолият юритмоқда. 14 апрель куни Азиз Шоҳакимов Парижда Радио Франс тўлқинлари орқали симфоник концерт дастурини намойиш этди. Тадбирда янграган Н.Римский-Корсаковнинг "Испан каприччиоси", М.Равелнинг фортепиано ва оркестр учун концерт ҳамда П.Чайковскийнинг 4-симфонияси Азиз Шоҳакимов раҳбарлигида юқори савияда ижро этилиб, томошабинларнинг давомли олқишларига сазовор бўлди.

Айтиш керакки, Азиз Шоҳакимов Тошкентдаги В.Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатида скрипка ва альт чолғу ижрочилиги мутахассислиги бўйича таҳсил олган кезларидаёқ ўзининг иқтидорини намойиш этиб улгурган эди. Унинг ижодкорлик салоҳиятини сезган устоз санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, марҳум дирижёр В.Неймер Азизни дирижёрлик пультига олиб чиқиб, уни том маънода дирижёр сифатида тарбиялай бошлади. Ўқиш йилларида Азиз Ўзбекистон давлат консерваторияси Мусиқали театр-студияси симфоник оркестри, Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, В.Спиваков раҳбарлигидаги "Москва виртуозлари" камер оркестри ва жаҳоннинг бошқа кўплаб мусиқий-ижодий жамоалари билан ишлаб, устоз-санъаткорларнинг зътиборини қозонди.

Азиз Шоҳакимовнинг дирижёрлик санъатида эришган ютуғи фақат унинг иқтидорига боғлиқ эмас. Дирижёрлик аталмиш ҳунарни эгаллаш учун инсон, биринчи навбатда, ўз ҳаловатидан воз кечиши, меҳнаткаш бўлиши керак.

Дирижёр мусиқий санъат асарини ўз қўлига олар экан, аввало, асар муаллифининг ҳаёти ва ижоди билан чуқур танишади. Бу борада жаҳон мусиқа тарихига мурожаат этади. Муаллиф яшаб ижод этган давр, унинг қандай мусиқий-эстетик услуб ва йўналишга мансуб экани, муаллифнинг ўша давр ижтимоий муҳитига бўлган муносабати, ҳаёт тарзи мусиқий асарда ўз аксини топади, албатта. Муаллифнинг ижодий йўлини ўрганиш композиторнинг ички кечинмаларини ҳаққоний очиб бериш ҳамда мусиқий образга оид умумий драматургияни тўғри англашда зарур ифода воситаларидан фойдаланиш имконини беради.

Азиз Шоҳакимов ўзининг аксарият концертларида мусиқа санъатининг маънавий-маърифий жиҳатига алоҳида урғу беради. 2021 йили Тошкентда бўлиб ўтган концерт ушбу фикримизга яққол далил бўлиши мумкин. Негаки, ёш дирижёр концерт аввалида томошабинларни Д.Шостаковичнинг ижро этилажак симфоник асари ва унга доир қимматли маълумотлар билан батафсил таништирган эди. У ҳар бир қисмнинг ижроси олдидан асарнинг назарий ҳамда тарихий тафсилотларига алоҳида тўхталиш орқали томошабинларда асар ҳақида тўлатўкис билим ва тасаввур юзага келишини таъминлади. Бундай ёндашув натижасида, томошабинларнинг асар ижросига нисбатан зътибори ва диққати янада кучли бўлди ва тингловчилар ушбу тадбирдан том маънода юксак маънавий озуқа олди.

Азиз Шоҳакимовнинг мусиқий иқтидори жуда юксак. У муайян бир асарни қўлга олар экан, унга тегишли мусиқий дунёнинг ичига кириб, унда яшай бошлайди. Мусиқий-бадиий ифоданинг ҳеч бир воситаси унинг назаридан четда қолмайди. Асар ижроси устида ишлар экан, бадиий образнинг ҳаққоний ифодасига эришиш йўлларини излаб топиб, унинг амалий ечимига эришади. Бадиий образ оламида яшар экан, ижро вақтидаги юз-кўзи, чеҳраси ва бутун вужуди унинг асар мазмунига бўлган муносабати, самимий изтиробини ифодалайди. Асар ижроси вақтида у буткул ўзини унутиб, мусиқий-бадиий образ кечинмалари дунёсига ғарқ бўлади. Шу боис ҳам, ижро вақтида Азиз Шоҳакимовнинг юз, қўл ва тана ҳаракатлари ниҳоятда фаоллашиб кетади. Бу эса, ўз ўрнида, оркестр созандаларини бошқариш, уларга мусиқий образни тасвирлашда кўмаклашиш вазифасини бажаришга хизмат қилади.

Азиз Шоҳакимов бугунги кунда жаҳоннинг барча нуфузли саҳналарида санъатини намойиш этиб улгурди ва ўзбек дирижёрлик мактабининг шуҳратини юксалтирди. Ёш бўлишига қарамай, юксак даражадаги масъулият талаб этадиган халқаро мусиқий анжуманлар ишини бошқарар экан, бу борада кундан-кунга маҳорати ошиб, мусиқий ижрочилик санъатининг юқори материяларини кашф этмоқда, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Зеро, бутун дунёнинг эътиборини ўзига оҳанрабодек тортган Азиз Шоҳакимов ҳали янада юксак чўққиларни забт этиш йўлида тинимсиз изланмоқда.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, композитор

ЎҚИТУВЧИНИНГ ҚАДРИ ОСМОН БЎЛАДИ

Мактабда нохуш бир воқеа юз берди – ёш ўқитувчи ўз ўқувчисининг бувиси томонидан калтакланди. Калтакланган устоз университетнинг битирувчи курс талабаси, бўлажак ўқитувчи экан. Бу воқеа сабаби бизга қоронғу, аммо тахмин қилиш мумкин: ўқувчи дарсга халақит бергандир, вазифани бажармай келгандир, устози болага танбеҳ берган ва бола эса уйдагиларига шикоят қилган...

Ижтимоий тармоқларда бундай воқеалар жуда кўп, мактаб билан, ўқитувчилар билан боғлиқ дилни хира қиладиган видеолар, маълумотлар...

Ўтган йиллар давомида, айниқса, карантин боис, болаларимиз уйда таълим олаётган вақтларда, жонқуяр ўқитувчилар қадри жуда билинмадими? Ота-оналар таълимни ҳам, тарбияни ҳам мактаб бери-



ши керак деб, катта хатога йўл қўйганликларини англаб етишди, шекилли. Тўғри, таълим ва тарбияни ажратиб бўлмайди. Аммо тарбия, аввало, оилада шаклланади, мактаб эса фарзандларимизга таълим беради.

Кўпчилик ота-оналар, айниқса, эртадан кечгача ишда бўладиганлари аксар ҳолларда фарзандларининг фақат моддий таъминотини ўйламайдилар, "дарсингни қилдингми, мактабга бордингми?" деб шунчаки йўлига сўраб туради ва ота-она масъулияти ана шу жойда тугайди. Кун бўйи иш билан банд "катталар"нинг болалар билан суҳбатлашишга, уларнинг фикрларини билишга, кўнглидан кечаётган ўйлардан хабардор бўлишга вақтлари етмайди...

Болаларнинг ўз ҳолича қолиб кетиши сабабли уларнинг таълими тугул, тарбиясида ҳам катта бўшлиқ ҳосил бўлаётгани ва бунинг ўрнинини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслигини англаш қийин эмас. Яқинда бир семинарда "Нега ўқитувчиларнинг 80-90 фоизи аёллар, улар орасида эркаклар жуда камчиликни ташкил этади?" деган мавзуда баҳс-мунозара бўлганди. Ўшанда ўқитувчиларнинг маоши камлиги ва бу соҳада қоғозбозликнинг ҳаддан зиёдлиги энг асосий сабаблар сифатида кўрсатилди. (гўё, аёллар қоғозбозликка ўчдай!).

Шу кунгача, мактаб ўқитувчилари маҳаллий ҳокимликлар томонидан мажбурий меҳнатга энг кўп жалб этиладиган соҳа ходимлари сифатида танилгани ҳам ачинарли статистика.

Танишим айтиб қолди: ўсмир қизига ўқитувчи бўлишни маслаҳат бериб, "боши балога қолаёзибди". Ҳозир ёшлар бу муборак касбни писанд қилишмаётгани, оғир ва маоши кам иш сифатида кўраётгани ҳам бор гап. Танишимга қизи: "Уч йилдан бери ўзингизга битта сумка сотиб ололмайсиз, бир ой маош кутиб яшайсиз, ойлигингиз қарзларингиз ва кредитга кетади, яна бўш вақт топгунча қоғоз тўлдирасиз," деб иддао қилибди.

У кишининг айтишича, (11–синфларга раҳбар) синфидаги болаларнинг ярми мактабга келмаётганмиш ва бунинг сабаби, улар мактаб раҳбари билан келишиб, репититорга бораркан, ишимиз анча қийин бўлиб қолди, дейди.

Барча ривожланган мамлакатларда бу касб эгалари жамиятнинг энг олди кишилари сифатида зътироф этилиши, жамиятда улар учун маълум имтиёзлар ва қулайликлар яратилгани (хизматлар бепуллиги, чегирмалар, ўқитувчилар учун алоҳида дўкон ва минимаркетларнинг мавжудлиги) сир эмас. Ҳатто дунёнинг энг бой кишилари ҳам ўқитувчилар билан қўшни бўлиб яшашни исташаркан. Германиянинг собиқ канцлери, катта ҳурмат ва эҳтиром ила нафақага кузатилган Ангела Меркель билан боғлиқ бир воқеа ижтимоий тармоқларда кўп айланади. Яъни Германияда ўқитувчи-мураббийлар кўп маош оларкан. Меркелга ҳуқуқшунос, шифокор ва бошқа касб эгаларидан мурожаат тушиб, "Бизнинг маошимиз нега ўқитувчиларникидан кам?", деб сўрашган. Шунда канцлер хоним шундай жавоб берганки, ҳамма унинг жавобидан рози бўлган. Яъни у: "Қандай қилиб сиз устозингиздан кўпроқ маош сўрайсиз, сиз ундан устунмисиз?", деган.

Биз кўпинча бировларга ҳавас қилиб юраверамиз ва ўзимизни ўзгартиришга, ўй фикрларимиз ва хатти-ҳаракатларимизни ислоҳ қилишга эса, кучимиз етмайди. Тўғри, ўқитувчилар орасида ҳам, "шоли курмаксиз бўлмагани"дек, касбига нолойиқлари бордир, буни инкор қилиб бўлмайди. Аммо нима бўлганда ҳам, сизга "ҳарф танитган", моҳиятни кўрсатган, юқорилашингизга имкон берган кишилар барибир ҳурматга лойиқ.

Бир замонлар "Устоз отангдек улуғ", "Эти сизники, суяги бизники", деган ҳикматли иборалар бўларди."Отанг сени ерга туширган бўлса, устозинг кўкка кўтарган, уларнинг ҳаққига риоя қил", дейиларди. Бу мақоллар эскирмаган, шунчаки тезкор замонда унутиб қўйилди, зътибордан четда қолди.

Яқинда мактабга, ота-оналар йиғилишига бордим. Бошланғич синфлар олдидан ўта туриб, бир нарсага яна амин бўлдим. Мен қаттиқ ҳурмат қиладиган (аслида барча ўқитувчиларни ҳурмат қиламан ва уларга бир умр таъзимдаман) ўрта ёшли ўқитувчилардан бири дарс ўтаётганди. У кишининг дарс бериш учун сарфлаётган кучини кўриб, рости, ақлим шошди. Чиройли ва баланд овози, ўтилаётган мавзуга мос хатти-ҳаракатлари, сўзларни ифодали баён этиши... Бундан кўра, образли қилиб айтганда кетмон чопиш осонроқ. Ўқитувчи бўлиш осон эмас!

Кун келиб, ҳали ўқитувчининг қадри осмон бўлади. Бугун эса, Юқоридаги айтган нохуш воқеани эсламасликка, асабийлашмасликка ҳаракат қиламан...

Яхшиси, интернетга кирмай тура қолай...

Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА

МАДАНИЯТИМИЗ ХАЗИНАБОНЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бироқ Ўзбекистоннинг келажаги йўлида, Учинчи Ренессансни бунёд этишда фидойилик кўрсатаётган маданият ва санъат соҳаси вакилларининг меҳнатини юксак қадрлаб келаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 15 апрель – Маданият ва санъат ходимлари куни, деб белгиланган соҳа вакилларига жуда катта рағбат бағишлади. Куни кеча юртимизда илк бор нишонланган Маданият ва санъат ходимлари куни муносабати билан ўтказилган тадбирларда қатнашиб, санъаткорларнинг, маданиятимиз фидойиларининг юз кўзларидаги қувончга, кўтаринки кайфиятга гувоҳ бўлдим. Айниқса, Президентимизнинг соҳа вакилларига йўллаган табригидаги қуйидаги жумлалар маданиятимиз ва санъатимиз ривожи йўлида бор имкониятини ишга солиб фаолият юритаётган ҳамкасблар қалбини тўлқинлантириб юборди: "Бугунги кунда Янги Ўзбекистон қиёфасини шакллантириш, ўз олдимизга қўйган буюк мақсад – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда сиз, ҳурматли ижодкор зиёлиларимиз ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқаётганингизни эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди".

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида бошланган тантаналар пойтахтимизнинг муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида шод-хуррамлик билан давом этди. Ҳамиша халқимизнинг яхши кунларида хизматда бўлиб келаётган санъат ва маданият аҳли ўзининг илк бор нишонланган касб байрамини ўзгача ҳис-туйғу билан кутиб олганининг гувоҳи бўлдик. Байрам бошланишида 250 га яқин фидойилар "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида соҳанинг театр, кино, цирк, тасвирий ва амалий санъат, фольклор, мумтоз мақом санъати, бастакорлик, драматургия, режиссура, саҳна рассомлиги, ҳунармандлик, музейшунослик, устозлик, хонанда-созандалик каби қатор йўналишларида самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи юртдошларимиз бор.

Илк бор нишонланган "Маданият ва санъат ходимлари куни"нинг тақдирлаш маросимида атрофимда ўтирган фидойи инсонларни кўриб, ич-ичимдан қувондим. Албатта, уларнинг ҳар бирини номма-ном санаш имкони йўқ. Лекин ёнгинамда, қувончини баҳам кўрганлар сафида устозим Аҳмаджон Мелибоев, улуғ санъаткорлар Хайрулла Саъдиев, Рустам Абдуллаев, ўз касбининг фидойилари Дилфуза Раҳматуллаева, Шоира Рауфбоева, Насриддин Асриддинов ва бошқа кўплаб қадрдонларни кўриб, инсоннинг ҳалол меҳнати, яхши амаллари беиз кетмаслигига яна бир карра ишондим ва сафида эканимдан қалбимда ғурур туйдим.

Маданиятимиз ва санъатимизнинг илк байрами ҳаммамизга муборак бўлсин.

Гулчеҳра УМАРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишони соҳибаси

ЁДНОМА

ЧАҚМОҚ СИЗНИ ЁДИМГА СОЛДИ



Устозларни заргарга, шогирдларни ишлов берилмаган олтинга ўхшатишади. Моҳир заргар қўлига тушган ёмби бетакрор зийнатга айланади.

"Эртакларимни кўриб беринг", "Сиз сўзбоши ёзиб берган эртак китобим нашрдан чиқди! Дуо қилинг, устоз" деб Анвар Обиджоннинг уйига кўп борардим. Устоз китобимни кўздан кечиргунга қадар турмуш ўртоғи Каромат ая билан тушлик қилардим. Ая қовоқли маставага уста эди...

Анвар Обиджон болаликдан ёзганларимни кузатган, жойи келса тузатган. Мақтовга бироз хасислик қилса-да, ҳеч қачон асоссиз танқид қилмаган. Эртагимни ўқий туриб, эшитилар-эшитилмас овозда: "Заҳизғон жуда эпчил экан-да" деб жилмайиб қўйганини эслайман.

Устоз билан эртакларимни муҳокама қилардик. Меҳмонхонадан бошқа хонага кириладиган эшик бор эди. Шунга ишора қилиб, сўрадим:

– Устоз, ижодхонангизни кўрсам майлими?

– Майли, эртакчи қизим, бемалол, – деди Анвар ака табассум билан.

Устоз ортидан ичкариладим. "Бир қаричга бир қарич" деб таърифланадиган хонанинг бир бурчагига юмшоқ ўриндиқ қўйилган. Дераза ортидаги ёнғоқ ва ўрик дарахтлари худди саломлашаётгандек бош тебратади. Чорбоғ зичлигидан кўчани кўриб бўлмасди. Баъзи шохларда қушларнинг уяси бор эди. Бир мушук, худди янги трюк ўрганаётган акробатдек, уқувсиз ҳаракатлар билан сал нарироқдаги дарахтга тирмашди. Мушукнинг бесамар уринишларини кўриб кулиб юбордим. Анвар ака ҳам ўз одатига кўра камтарона жилмайиб қўйди:

– Қизим, ҳар фасл алмашганда табиат ранглари, теварак-атрофга ёйиладиган ифорлар ҳам ўзгаради, – деди устоз. – Ҳақиқий мўъжиза шуки, тонг отиши билан қушлар сайрайди. Ёмғир шаррос қуйиб, барглар шитирлайди. Оламни бошига кўтариб момоқалдироқ гумбурлайди. Бу – она табиатнинг худди бизлар сингари тириклигидан далолат.

Мана, яна Анвар ака "мўъжиза" деб атаган энг чиройли фасл келди. Гумбурлаши табиатнинг янгиланаётганидан дарак бераётган момақалдироқлар, дунёнинг мангулигини таъкидлаётган узун-узун чақмоқлар, дала-даштга ризқ-насиба уруғини қадаётган кўклам ёмғири устоз Анвар Обиджонни ёдга солмоқда. Каромат аянинг қовоқли маставасини соғинаман...

Гулноз ТОЖИБОЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Республика миқёсида давом этаётган "Китобхонлик ҳафталиги" ҳамда Жазони ижро этиш департаментининг "Маънавият ойлиги" доирасида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботир Эргашев, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, таниқли шоирлар Салим Ашур, Рустам Мусурмон ва Жазони ижро этиш департаменти ходимлари иштирок этди. Устоз ижодкорлар инсоннинг маънавий юксалишида китоб ва китобхонликнинг тутган ўрни хусусида сўз юритдилар. Шоирлар ўз шеърларидан намуналар ўқишди.

Ёзувчилар уюшмаси томонидан департамент кутубхонасига мингдан зиёд китоб совға қилинди.

* * *

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда "Китобсиз келажак йўқ" шиори остида филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг "Маоний аҳлининг соҳибқирони" монографияси тақдимоти бўлиб ўтди.

Монографияда Алишер Навоий ижодиётининг миллат адабий-эстетик тафаккури такомилга кўрсатган таъсири масалалари тадқиқ қилинган. Буюк шоир ҳамда мутафаккирнинг шахс ва давлат арбоби сифатидаги фазилатлари, бунёдкорлик фаолияти янгича талқин қилиниб, улуғ бобокалонимизнинг ирфоний ва адабий-эстетик олами билан боғлиқ ўзига хос илмий қарашлар илгари сурилган. Айниқса, буюк бешлик – "Хамса"да ижодкор бадиий концепцияси, она образининг поэтик талқини юзасидан билдирилган илмий-назарий фикрлар алоҳида аҳамиятга молик.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, филология фанлари доктори Узоқ Жўрақулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эшқобил Шукур ҳамда адабиётшунослар, ёзувчи, шоирлар иштирок этди.

* * *

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги Давлат хизматлари маркази таркибида янги кутубхона очилди. Ахборот-кутубхона марказининг очилиш маросимида академик Акмал Саидов, Тошкент шаҳридаги Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори Қаландар Абдурахмонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Янги кутубхонага Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тарихий, сиёсий ва бадиий китоблар совға қилинди.

Шуҳрат АЗИЗОВ

* * *

Бугунги кунда китоб мутолаасига қаратилаётган улкан зътибор халқнинг тарихи, келажагига қаратилган зътибордир, зеро инсон китоб ўқиш орқали ўзлигини англайди, миллий ғурур туйғуси шаклланади ва унда бугунги глобаллашув шароитида турли зарарли ахборот оқимининг таъсирига қарши иммунитет шаклланади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Божхона институтида "Китобхонлик – буюк келажак кафолати" мавзусида маънавият соати бўлиб ўтди.

Мазкур мавзудаги ўз маърузаси билан курсантларга маънавий озуқа улашиш учун машғулотга "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Ашур таклиф этилди.

Журналист китобхонликнинг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг маънавиятига кучли таъсири юзасидан ўз мулоҳазаларини айтар экан, бўлажак божхоначиларда мутолаага бўлган иштиёқ яна бир карра ортди, дейиш мумкин. Ўйлаймизки, институтда бу каби учрашувлар давомли бўлиб, эртамиз эгаларини маънан юксалтиришга хизмат қилади.

Муножат МЎМИНОВА

ЗАФАР ДИЁР ОЛАМИ

"Болаларга асар ёзишни мен ўзим учун жуда қийин ва масъулиятли вазифа деб биламан...", деган эди ўзбек болалар шоири Зафар Диёр. Унинг "Бинафша", "Навбаҳор", "Қушлар ҳақида қўшиқ", "Капалак" каби шеърлари ва қизиқарли топишмоқлари бугунги ўқувчиларнинг ҳам қалбидан жой олиб келмоқда.

Тошкент шаҳридаги 153-ўрта умумтаълим мактабида Республика болалар кутубхонаси билан ҳамкорликда ўзбек болалар адабиёти тараққиётида ёрқин из қолдирган болалар шоири Зафар Диёр таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда мактаб директори Сабо Султонова, Республика болалар кутубхонаси ходимлари иштирок этди.

Ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар ҳамда ўқувчилар ўртасидаги мушоира даврага кўтаринки кайфият бахш этди. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, болалар ёзувчиси Гулноз Тожибоева фаол ўқувчиларга ва мактаб кутубхонасига ўзининг "Ўрмон алифбоси", "Куладиган қўёнча", "Топишмоқлар", "Жайхун ва Аланга" номли китобларини совға қилди.

Ўз мухбиримиз

МЕҲРИМ ТОЛАСИДАН ЭШИЛГАН БАЙТЛАР

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАНГА МУҲАББАТ ИЗҲОРИ

Ҳазориспанд бўлсам саҳроларингда,
Феруза тош бўлсам дарёларингда,
Ҳайит ойи бўлсам самоларингда,
Меҳру вафо – кўрар дунёларингда,
Сени ёмон кўздан асрамоқ учун!

Остонангда ётган итинг бўлойин,
Наслингни пок тутган сутинг бўлойин,
Кўзингдаги ҳурлик ўтинг бўлойин,
Баланд тоғларда бургутинг бўлойин,
Сени ғаним кўздан асрамоқ учун!

Сўзим бор – савашда қилич бўлоли,
Шаҳдим бор – қуввати биринч бўлоли,
Яхши-ёмонингда илинж бўлоли,
Ипак жоним метиндан синч бўлоли,
Сени офат кўздан асрамоқ учун!

Фақат сен кўзимга боқиб тур, Ватан,
Онамдай елкамга қоқиб тур, Ватан,
Қалбимда дарёдай оқиб тур, Ватан,
Бошимда Ҳумодай балқиб тур, Ватан,
Мени гумон сўздан асрамоқ учун!
Сени ёмон кўздан асрамоқ учун!

ЛАЙЛАТУЛ-ҚАДР

Маним лайлу наҳор тиловатларим
Темир том тоқига урилиб қайтар.
Бу дунёда топган ҳаловатларим
Меҳрим толасидан эшилган байтлар.

Бошимга ёғилган нури ҳидоят
Бир ҳовуч чағир тош бўлди не замон.
Такбир сасларидан уйғонди карахт,
Қулоғи том битган даҳрий оломон.

Яратганга йиғлаб айтдим саловат,
Ойдан, юлдузлардан хушхабар эсди.
Қадр кечасидан тилаб саодат,
Тушларимда гулихайрилар ўсди.

Кўзларни боғлаган афсун-синоат,
Темир том устуни тутдай тўкилди.
Гуноҳлардан фориғ Ерга иноят,
Баракот гулхайри мисли экилди.

Эшигимни тутсам, тилло бўларди,
Бешигимни тутсам, тилло бўларди,
Бир қултум сув ютсам, тилло бўларди,
Нима ният этсам, тилло бўларди.

Элимга чироғи Иймон тиладим,
Дилимга шифойи Қуръон тиладим.
Чекил, ғафлат куфри, зулмат юҳоси,
Эрк деган энг улуғ Эҳсон тиладим!

* * *

Боғларда ёсуман гуллай бошлади,
Қумрилар мастона «ҳу-ҳу»лай бошлади,
Офтоб юракларни ёғдулай бошлади,
Ёзнинг шамоллари хуш ёқар жонга.

Қулфинай баргида қизил маржонлар,
Оқ тут оғизларда наввот-дармонлар,
Буғдой бошоқ тортиб сут тўлар онлар
Ёзнинг хаёллари ғунчалар жонда.

Урушқоқ майна ҳам хаёлпарастдир,
Кабутар рақслари ишққа пайвастдир,
Қирқоғайни гуллар бир фолпарастдир…
Сувлар гулдирайди қўш тегирмонда…
Жаннат Ўзбекистонда…

СЕН БИЛАН

Чеккан машаққатим, кўрган роҳатим,
Кўрган-кечирганим сен билан боғлиқ.
Худо берган ризқим, топган давлатим,
Сенинг билан тотлиқ, сен билан ёғлиқ!

Сенсиз чўлда тўзиб юрган каврақман,
Илдизсиз, мевасиз, саросар,
Фарқим йўқ бир товоқ кепакдан,
Сен билан кўксимда етилар гавҳар.

Китобин олдирган паридай ҳайрон –
Сенсиз сўзим, ишим кирмас амалга.
Сенсиз мен тўпидан айрилган жайрон,
Сенсиз кўрган куним заҳмат, жамалға.

Сенсиз чумолича рағбатим йўқдир,
Сен билан тоғни ҳам қиларман талқон.
Сендан айирмасин ўлгунча тақдир,
Сен ўзинг кўксимга пўлатдан қалқон,
Ватан, онажон!

* * *

Уйқу қочар кўзимдан
Хаёллар қилар талош,
Қочолмайман ўзимдан,
Оёққа боғланган тош.

Уйқусираб инида
Қушлар қўяр чирқиллаб,
Томошабин бўлар тун
Мингта кўз билан қараб.

Йўлни болғалаб ётар
Вагонларнинг «тақ-туқ»и.
Илоҳий сирга ботар
Чашмалар оят ўқиб.

Депсинар шамол-шотир
Дарахтларга қоқилар.
Юрагимда хавотир
Чақмоқ чақиб, ёқилар.

"Катта айиқ" чўмичи
Аста уфққа оғади.
Олис "Сомон йўли"дан
Ерга кумуш ёғади.

Қичқирар жарчи хўроз,
Юлдузлар бир-бир сўнар.
Хаёл кўлида қийғос
Марваридгуллар унар…

* * *

Бир сўниб, боз ёнмоқ на хушдир,
Тирикликда башорат тушдир.

Гулга кирган бир чоғимдайди,
Ишқ шиддати қароғимдайди.

Ёндим, устихоним-да ёнди,
Томирларда қоним-да ёнди.

Ўт кетди – ҳўл-қуруқ аралаш
Ёнаверди тўрт тараф яккаш.

Аждаҳо ўт нафаси тинди,
Кўксим аро насимлар инди.

Кул остида қолган чўғ эдим,
Мулки борлиқ аро йўқ эдим.

Бир қатра сув, бир томчи шабнам
Баҳрул нажотмиди ўша дам?

Чағир-чуғур қушларим қайтди,
Маъсума, ҳур тушларим қайтди.

Мен қоврилган дўзахни кечиб,
Қалдирғочим, хуш келдинг учиб!

ЁШЛАРГА ДЕГАНИМ

Кўнгилда қулф урган гулшанларим Сиз,
Нафаси муборак гулханларим Сиз,
Эртан ҳар кифтида бир тоғни тутган
Алпомиш ҳайбатли улканларим Сиз.

Тожу тахт эгаси – шаҳзодаларим,
Орзу-хаёллари озодаларим,
От босмаган изни босган тойларим,
Ялпизли, райҳонли шаббодаларим!

Қошу кўз ораси қабоғимдасиз,
Жон пилигим ёнган равоғимда Сиз!

Етти шажарамнинг шоҳ ҳалқасида
Хизр назар солган туёғим-да Сиз!

Ватан қоясида лочин бўлгайсиз,
Ёвлар елкасига – қамчин бўлгайсиз,
Булутсиз беғубор очун бўлгайсиз,
Фикри ҳур, маслаги некбин бўлгайсиз!

Ит текса булғанар оқар дарё ҳам…
Бузғун хаёллардан асрасин эгам,
Онага тик боқиб, бўлманг боши ҳам,
Зангламас, айнимас олтин бўлгайсиз.

Ватанни бир товоқ кепакка сотиб,
Бир умр хиёнат лойига ботиб,
Дурдай жигарларин балчиққа қотиб,
Юрган нокаслардан йирэқ бўлгайсиз…

Йигитлик даврони – тахту тожлидир,
Инсон юрти билан бахтли, божлидир,
Бегона элларда султон бўлгунча,
Остонада бир кафт туфроқ бўлгайсиз,
Қарғиш-коҳишлардан йироқ бўлгайсиз.

* * *

Тоғ нимадир – кўнгли тўқ бўлса,
Руҳи баланд бўлса одамнинг?
Кифтларини тап тортмай тутар,
Тоғни қушдай кўтарар-кетар!

Жароҳатдан бағри доғ бўлса,
Кўнгли синиқ, шаҳди йўқ бўлса,
Хасга кучи етмас одамнинг,
Мингта жони қилади камлик!

* * *

Менинг жону дилим ўша,
Удир кўнгил қўйганим.
Чароғон манзилим ўша,
Удир бахтга йўйганим.

Ҳур ва сокин ўйларимга
Туғён солган ул эрур.
Шоду хуррам куйларимга
Ҳижрон солган ул эрур.

Юрагимга титроқ тушса,
Юпантирган яна у.
Ўз-ўзимдан йироқ тушсам,
Топинтирган яна у.

Чек йўқ энди қайғуларга,
Бардошимга тўзим йўқ.
Гоҳи зорман бир кўрарга,
Гоҳ кўрарга кўзим йўқ.

Дилором ИСМОИЛОВА

ГУЛНИНГ НАФАСЛАРИ КЕЛАРДИ

СЕВГИНИ БИЛОЛМАДИМ

Баҳорда гул очган оғочлар
Солланади, эсса шаббода.
Ёмғирларга юзини тутиб,
Янги барглар ичар оқ бода.
Қилт этмайди жазирамада,
Куз чоғида тўкилар бир-бир.
Севги балки гул, япроқларнинг
Тупроққа жим бош қўйишидир.
Севги нима, билолмаяпман,
Бойликми ё сўнгги айрилиқ.
Япроқчалик бўлолмаяпман,
Кўзларимга ёш тўлар лиқ-лиқ.
Янги чиққан ҳилол осмонда
Қилич каби ярқирар дилхун
Ва бошимга тушар ногоҳон,
Мен севгини билмаганим-чун.

АЁЛГА ТАЪЗИМ

Аёлни гул, деманг, у тортган ғамни,
Жамики гул, чечак кўтармас, толар.
Аёл гулдан нозик елкаларида
Дунёнинг юкини орқалаб борар.

Аёл бардошлими, тоғларми, деманг,
Бу тоғлар юракнинг нелигин билмас.
Залворли қоялар кўтарган бардош,
Унинг кўксидаги тугунча келмас.

Балки шу-чун Худо мукофот, дея
Унга қирқта жонни бериб қўйгандир.
Ошиқ бўлиб унинг битта холига,
Неча шоҳу гадо суйиб, куйгандир.

О, муқаддас аёл, сизга таъзимлар,
Гарчанд юзингизда гардлар изи бор.
Ҳатто шу гардлар ҳам милён йилларча,
Ўланлар бўлади, бўлади алёр.

ОСМОН

Кўнглим осмонига булутлар келди,
Юлдузга йилт этиб ёнмоқлик душвор.
Энди ҳеч нарсага бермам юракни,
Шунчалар бекорки, ҳаммаси бекор.

Гулнинг нафаслари келарди сендан.
Қўлларинг тафтида қуёш бор эди.
Ҳижрондек узундан узун йўлингда
Юрагим илиниб турган дор эди.

Меҳр гадосига шу етар, дея
Хаёл – чимилдиқда пойингга етдим.
Нетайин, шу битта муҳаббатни деб
Онамнинг юртига сотилиб кетдим.

Осмон, бугун сендек ёрилгим келди,
Вужудим титратар қалдироқ – ҳижрон.
Йиғлайин дейману йиғлаёлмайман,
Менга чақмоғингни бериб тур, осмон.

* * *

Кўнглимни қушларга ушатиб бердим,
Қушлар ҳам қарамай учди-да, кетди.
Гуё бу дунёда Дилоромлар йўқ,
Гуё борлари ҳам ўтди-да, кетди.

Қийин экан умр поёнида гар,
Инсон севиб қолса кимнидир чиндан.
Айрилиб бўлмайди бундай севгидан,
Қутулолмагандай тушган ажиндан.

Севилмаган дилга қуш ҳам қарамас,
У гўё ёмғирда қолган бир одам,
Соябон тутган-у, сочлари қуруқ,
Ковушлари йиғлар ўтганича нам.

У на қолади, на кета олар,
Қаранг, кўзларига зўр алам етди.
Буни кўриб дилни қушларга берсам,
Қушлар ҳам қарамай, учди-да, кетди.

ҚИЗҒАЛДОҚҚИНАМ

Йўлнинг ёқасида бўйингни кўриб,
Севинчдан йиғладим, севинчдан кулиб.
Кўзим қароғида турибсан тўлиб,
Унишинг муборак, қизғалдоққинам.
Нозик қаддинг силаб ўтади шамол.
Ол юзингдан бориб ўпади хаёл,
Уялдинг, ер чизиб бердингми савол,
Ё мендек севдингми, қизғалдоққинам?
Гарчи юртинг дашту далалар эди,
Тош юрак кўксингни яралар энди,
Журъатингдан кўзга муждалар инди,
Туришинг муборак, қизғалдоққинам.
Бир чақин умридан дароз умринг бор,
Қувончдан бўйимга тақиб қўй тумор,
Асрайин то яна келгунча баҳор,
Бўйингдан айланай, қирмизи яноқ,
Шамолда тебраниб турар қизғалдоқ.

Самад МУҲАММАД ДАМИН

ИФОРИНИ ТАРАТАР ТОНГЛАР

ҚУШЛАРГА

Қушларга ҳавасим келар, қушларга,
Салламно айтаман, этаман сужуд.
Улар ўхшамайди сира бизларга,
Эркини бермаган қанотли вужуд.

Юксак самоларда этади парвоз,
Муздек тўлқинларга уради тўшин.
Чегара билмайди, танламас ҳудуд,
Урушни билмаган ададсиз қўшин.

Қушларга ҳавасим келар, қушларга...

УЛКАН ТОҒЛАР ПОЙИДА

Тоғлар – улуғвор, бўйсунмас, кўркам,
Пойида инграйди шаҳри вайронлар.
Энди бу жойларга босмайди қадам,
Тоғни ошиб ўтган катта карвонлар.
Чангалзор қўйнида ётар тўлганиб,
Отлар туёғини ўпган сўқмоқлар.

Совуқ тошлар аро кезар тентираб,
Макон топмоқчидай дайди шамоллар.
Ютиб юбормоққа гўё турар шай,
Суякларга тўлган ваҳмкор дара.
Ўлжа бўлган нетсин, ночор қочолмай,
Қайси бир жондорга кийик бечора...
Бунда қолиб кетган не-не баҳодир,
Ёғийнинг ўқидан тополмай нажот.
Сирларин яширган ҳар битта ўнгир,
Довуллар емирган тошлардек қат-қат.
Юксак тоғ ёнида турибман ўйчан...
Кўкрак кериб турар метин қоялар.
Тоғлар – улуғвор, бўйсунмас, кўркам,
Пойида инграйди шаҳри вайронлар.

ТУШ

Гуллар ифорини таратар тонглар,
Қуёш кафтларида кўрдим ўзимни.
Қулоғим пардасин чертар оҳанглар,
Парилар сут билан ювар юзимни.
Олтин косаларда лиммо-лим шароб,
Оғзимга бол тутар шўх париларим.
Тўрт малак юради тахтда кўтариб.
Муҳайё этилар зум айтганларим...
Оҳ, бу қандай бахт, қандай саодат,
Одам ҳам шунчалик бахтли бўларми?!
Жунбушга келишди овоз пайларим;
Мен бахтли-ма-ан, деб жар солиб юбордим.
Уйғониб кетибман бахтимдан чўчиб,
Афсус... туш ҳам бунча ширин ва ажиб.

Ҳеч ким кўрмадими?.. Туриб жўнадим,
Тахтим – чопонимни елкага илиб.

ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Шовуллайди бетиним уммон,
Ўркач-ўркач тўлқинни суриб.
Топмоқчидай осуда макон,
Қирғоқ томон чопар ҳайқириб.
Денгиз бўйи... Сарҳадсиз соҳил,
Чарх уради кўкда чағалай.
Узоқлардан кўринар кема,
Ялтираган кичик тангадай.
Қадам ташлаб бораман аста,
Пойларимда йиғлар нам тупроқ.

Елкасини очиб офтобга
Жим ётибди бефарқ чиғаноқ.
Сал нарида, ёнида эшкак,
Тўнтарилиб ётибди қайиқ.
Сув бетида керолмас кўкрак,
Денгиз бағрин тилолмас ортиқ.
Ғарб томонда осилган офтоб,
Чўкиб борар уммон бағрига.
Фурсат ўтмай у бўлди ғарқоб,
Уфқ кирди қоннинг рангига.
Учиб ўтди бошим устидан
Қичқирганча бир жуфт оқчарлоқ.
Шовуллаган денгиз бўйидан
Ошёнимга жўнадим шу чоқ...

Очил ХУДОЙБЕРДИЕВ



ОТА

ҲИКОЯ

Қишлоқнинг кун чиқар тарафидан ўтган ариқнинг икки қирғоғига тол экилган. Толларнинг аксарияти Содиқбой томорқасида илдиз отган. Томорқа тўрида, хуржунли том бинода Содиқбой билан Ҳожар хола эллик йилдан бери яшаб келади. Бу ҳовлида уч нафар фарзанд – бир ўғил ва икки қиз вояга етган.

Оиланинг тўнғичи Ойсултон узоқ тоғ қишлоқларидан бирига келин бўлиб тушган. У ота ҳовлига йилда бир келиб, кексалар хизматида бўлади. Менгсулув бир қишлоқ нарига узатилган. У ҳар икки-уч ойда келиб, Ҳожар холага қарашади. Хонадоннинг ёлғиз ўғли Тоҳир эркатойроқ бўлиб ўсди. Мактабни битириб, шаҳардаги олийгоҳлардан бирига ўқишга кирди. Қишлоқда мутахассислиги бўйича иш йўқлиги боис шаҳарда аллақандай заводда иш бошлади. Орадан йил ўтиб шаҳарлик бир қизга уйланди-ю, ўша ёқда қолиб кетди. Аввалига турмуш ўртоғини ота-онасига таништириш учун бир-икки маротаба олиб келган эди. Содиқбой ва Ҳожар хола, ўғли фарзандли бўлгани туфайли, бешик тўйига борганди. Йиллар ўтиб Содиқбой ва Ҳожар хола кексайиб қолишди. Эркатой ўғилнинг бу хонадондан оёғи узилди. Саксонни қоралаб қолган Содиқбой набираларини соғиниб, шаҳарга боришга жазм қиларди-ю, юраги дов бермасди. Қайси куни ўйлаб-ўйлаб йўлга чиқишга қарор қилди. Нонушта пайти Содиқбой Ҳожар холага ёрилди.

– Кампир, набираларни жуда соғиндим, бир бориб келмасам бўлмас. Нима дейсан?

– Билмасам, ўзингиз биласиз.

– Бўлмасам, сен қаймоқли қатпатир пишир, эртага йўлга тушаман, – деди Содиқбой соқолини силаб.

Саҳармардонда кампири Содиқбойга янги уст-бош келтирди. Кичкина олахуржуннинг бир ёнига ўзларидан чиққан ёнғоқ-бодом солди, майиз ва ўрикни алоҳида халтага жойлади. Хуржуннинг иккинчи ёнига тўрта қатпатир солди. Ҳожар хола Содиқбойни ҳовлидан чиқариб кузатди. Содиқбой елкасига хуржунни ташлаб, катта йўлга чиқди. Автоуловга ўтириб, бекатга йўл олди. Автобус тайёр экан, Содиқбой ўртадаги ўриндиқлардан бирига жойлашди. Автобус пешинда шаҳарга кириб борди. У машинадан тушиб, елкасига хуржунни илиб, такси кутди. Шу пайт Содиқбой ёнига қизил "Жигули" келиб тўхтади.

– Отахон, йўл бўлсин? – деди ҳайдовчи машина ойнасидан бошини чиқариб.

– Ўғлим, катта йўл четидаги катта бино бор-ку, шундан ўтиб, бурилиш жойида тушаман.

– Бўлди, отахон, йўлимда экан, – деди-да машинадан тушиб хуржунни юкхонага жойлади. Содиқбой олд ўриндиққа ўтирди.

– Отахон, қишлоқданмисиз? – сўради ҳайдовчи.

– Ҳа, ўғлим, қишлоқданман. Шаҳарда ўғлим яшайди. У шаҳарлик бир қизга уйланиб кетган. Мен неварамни кўргани келаяпман, – деди Содиқбой синиқ оҳангда.

– Мана, отахон, манзилга етиб келдик, – ҳайдовчи шундай деб машина юкхонасидан хуржунни олиб, Содиқбойга узатди. Чол чўнтагини пайпаслаб, йўл ҳақи чиқармоқчи эди, ҳайдовчи уни тўхтатди.

– Отахон, пулингиз керакмас, бир дуо берсангиз бўлди.

Содиқбой узундан-узоқ дуо қилди, ҳайдовчи жўнаб кетди. Чол елкасига хуржунни ташлаб, кўпқаватли уйнинг иккинчи қаватига чиқди ва рўпарасидаги эшик тугмасини босди. Ҳеч қандай садо бўлмагач, хуржунни бир четга қўйиб, чўккалаб ўтирди. Орадан бироз вақт ўтгач, қарама-қарши томондаги эшикдан мўйловдор бир киши чиқиб, Содиқбойни турғазди.

– Отахон, бундай ўтирманг, қўшни келгунча бизникида меҳмон бўлиб турасиз, – деб уйига олиб кирди.

– Сарви, меҳмон келди, кўрпача ташла.

Чол тўрга ўтириб дуо қилди. Ўртага дастурхон ёзилди. Аччиқ чой дамланиб, чойхўрлик бошланди. Содиқбой йўлда толиқиб келгани боис ёстиққа суяниб кўзи илинди.

– Туринг, отахон, келинингиз келди.

Содиқбой ўрнидан қўзғалиб, хуржунини ёнига олди-да, ундаги егуликлардан совға қилди. Хуржунини елкасига ташлаб, ўғлининг уйи эшигини қоқмай ичкарига йўл олди.

– Рухсатсиз кириб келавериш маданиятсизлик-ку? – деди келин жиғибийрони чиқиб.

– Келин, бу менман, Тоҳиржоннинг отаси.

– Сизмисиз, қани ичкарига марҳамат, – деди ишшайиб келин.

Содиқбой хуржунни ёнига қўйиб, кўрпачага ўтирди. Келини дастурхон тўшагач, совға-саломини чиқариб ўртага қўйди. Келин сузиб келган маставани чалпиллатиб ича бошлади. Жувон бу ҳолатдан ижирғаниб ўзича тиржайди. Ўғил алламаҳалгача келмади. Гулчеҳрахон чолга балкондан жой тўшаб берди. Кўрпача юпқалик қилди, шекилли, пол тахталари қовурғасига ботиб, гоҳ у, гоҳ бу томонга ағдарилиб, сўнг уйқуга кетди. Эрталаб дастурхон устида Тоҳир отаси билан кўришиб сўрашди.

Бироз гурунглашиб ўтиргач, иши зарур эканлигини айтиб, кўчага чиқиб кетди.

– Бобой, ўғлимнинг каттасини мактабга, бу иккаласини боғчага олиб боришим керак. Соат саккизда дарсим бошланади. Сиз биз келгунча шаҳарни айланиб томоша қилиб юрсангиз, уйни қулфламасам бўлмайди, ўғрилар кўп, – деди келин томдан тараша тушгандек.

Содиқбой келинининг бу гапидан сўнг серрайиб қолди, бироздан сўнг хуржунини елкасига ташлаб, қишлоққа йўл олди.

МУТОЛАА МЎЪЖИЗАСИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Китоб ўқимаслик оқибатида, ўтган асрнинг 80-йилларида, Европа ва Америка давлатлари аҳолисининг катта қисмида "функционал саводсизлик" деб аталган ижтимоий муаммо пайдо бўлди. Бу нима? ЮНЕСКО ташкилоти масъулларининг таъкидлашича, бу атама ўқиш ва ёзиш кўникмаларини маълум даражада йўқотган, шунингдек, кундалик ҳаётга алоқадор қисқа, содда матнларни ҳам ўқиб англай олмайдиган шахсларга, яъни аввал ўқиш-ёзишни била туриб, сўнгра бу кўникмани йўқотганларга нисбатан қўлланар экан. Муаммонинг олдини олиш мақсадида 1990 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан "Халқаро саводхонлик йили" деб эълон қилинган. Чунки мана шундай ташвиши ҳол барча ривожланган давлатларда кузатилган. Француз олимларининг фикрича, функционал саводсиз кишилар мактабда яхши ўқимаслик, маданий муассасалардан фойдаланмаслик ва бошқа сабаблар оқибатида келиб чиқади.



Ғарб давлатларида ўтган асрнинг 80-йилларида кенг жамоатчилик орасида болалар ва ўсмирларда учрайдиган "мутолаа инқирози" масаласи ҳам қизғин муҳокамага сабаб бўлган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши борасида Германияда телевидение ва оммавий ахборот воситалари (ҳозир Интернет) етакчи ўринга чиқиб, китоб ўқиш иккинчи даражага тушиб қолгани, ҳар учинчи ўсмир функционал саводсизга айланган аниқланган. Шарқий Европада, Польшада ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида айрим ёшлар виртуал оламга шунчалик боғланиб қолганки, улар бир кунда 18 соатгача Интернет қаршисида ўтиришган. Руҳий жиҳатдан Интернетга қарамлик гиёҳвандликка тенглаштирилади. Турли тадқиқотларга кўра, ҳозирги пайтда дунё бўйича Интернетдан фойдаланувчиларнинг ўн фоизи мана шу гуруҳга мансуб ва улар руҳий хаста ҳисобланади.

Японялик мутахассислар 1990 йилдаёқ болаларни «тэрэбико» – "телевидение болалари" деб аташган эди, чунки болалар бир кунда 3-6 соат вақтини экран қаршисида ўтказар экан.

Россияда бундай муаммоларнинг олдини олиш бўйича 2007 – 2020 йилларга мўлжалланган миллий дастур қабул қилинган. Унга кўра, ЮНЕСКО меъёрлари бўйича ҳар йили минг кишини ўртача 250 дона янги адабиёт билан таъминлаш лозим бўлгани ҳолда Россия ҳудудининг ярмидан кўпида бу кўрсаткич 100-150 дона китобдан ошмагани учун юзага келган вазият "ахборот изоляцияси" деб баҳоланган.

Бизнинг юртимизда ҳам деярли ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ёшларнинг китобхонлик даражаси туша бошлагани кузатилади. Бу, биринчидан, бозор иқтисоди таъсирида айрим аҳоли қатламлари турмуш даражасининг пасайиши, ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар билан изоҳланса, иккинчидан, 2000 йилларда шундоқ ҳам янги адабиётлар етказиб бериш тизими издан чиққан минглаб кутубхоналарнинг ёпилиб кетиши, мактаб кутубхоналарининг ҳувиллаб қолиши китобхонлик даражасини янада пасайтириб юборди. Мана шундай вазиятда "сариқ матбуот" деб аталувчи эрмакбоп нашрлар, турли савия ва даражадаги нашриётлар сони ортиши, айниқса, юзлаб телеканаллардан фойдаланиш имкониятининг пайдо бўлиши, Интернет тизимининг кенг ёйилиши, янги русумдаги телефонлар оммалашуви сингари омиллар ёшларнинг асосий вақтичоғлигига айланди.

Мутолаа инқирозини бартараф этиш ва китобхонлик маданиятини ошириш борасида дунёнинг ривожланган мамлакатларида турли чора-тадбирлар ишлаб чиқилганки, уларни ўрганиш биз учун фойдадан холи эмас.

Францияда мутолаа маданиятини ошириш йўлидаги муаммоларни ечиш ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ҳукуматнинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Маданият вазирлиги ҳузурида Китоб ва мутолаа ишлари бўйича бошқарма ташкил этилиб, унинг олдига ижодкор яратган асарнинг ўқувчи қўлига етиб боргунича бўлган "Китоб йўли"ни очиб бериш вазифаси қўйилган. Мамлакатнинг 22 та ҳудудида тегишли равишда китоб ва мутолаа бўйича маслаҳатчилар иш бошлаган. Хуллас, ёшлар кутубхонага бормаса, кутубхоначилар уларнинг ҳузурига келган. Кутубхоначиларнинг мактаблар, поликлиникалар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлари давлат томонидан қўллаб-қувватланган. Францияда бундай кутубхоналарни "Деворсиз кутубхона" деб аташган.

Мутолаа инқирозини бартараф этиш борасида АҚШ Конгресси Кутубхонаси таркибидаги Китоб маркази истиқболли фаолият бошлаган. Марказ китоб, китобхонликни тарғиб этиш бўйича миллий ва халқаро миқёсларда умуммиллий мавзулар ишлаб чиққан ва амалга татбиқ этган. Жумладан, "Ёш китобхонлар йили", "Китоб янги олам очади", "Китобхон миллатни яратамиз" сингари дастурлар қабул қилинган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ёшлар, кенг аҳоли қатламлари орасида китобхонликни тарғиб этиш, мамлакатни китобхонлар юртига айлантириш учун тизимли фаолият ташкил этиш талаб қилинади. Бу эса, албатта, мамлакатнинг нафақат маънавий тараққиётида, балки иқтисодий ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирга келиб ҳар йили ўнлаб романлар, кўплаб шеърий китоблар чоп этиляпти. Адабий жараённи мунтазам кузатиб борадиган китобхон бадиий асарларни саралаб ўқийди, аммо ёшларимиз улар орасидан яхши китобни ажрата билишини тасаввур қилиш қийин, албатта.

Китоб дўконларида сотилаётган адабиётлар мундарижаси ҳам муҳокамага муҳтож. Азалдан жаҳон мумтоз адабиёти намояндалари енгил-елпи ёзилган бозори чаққон китоблар адабиёт оламига киришга интилгани, аммо тажрибасиз китобхонни чалғитиш билан чекланганини ташвиш билан таъкидлаб ўтганлар.

"Кўп одамлар мутолаа қилишни, яна кўпчилиги нима учун қўлига китоб олганини ҳам билмайди, ҳатто бу ҳақида ўйлаб ўтирмайди, – деб ёзган эди Ҳерман Ҳессе. – Китоб ўқишни машаққатли, аммо "билим олиш"нинг ягона йўли деб қарайдилар, ҳар қандай ўқиш уларни фақат "маълумотли" қилиши мумкин экан. Бошқалар учун эса, ўқиш – шунчаки кўнгил очиш ва вақт ўтказиш – моҳиятан, уларга нима ўқишнинг фарқи йўқ, фақат зерикмаса, бас". Бу масалада Гётенинг мулоҳазалари бизни ҳайратга солади: "Бу содда одамлар китоб ўқишни ўрганишлари учун қанчалик кўп вақт ва куч керагини билмайди. Мен учун бунга саксон йил керак бўлди, ҳали-ҳамон мақсадимга эришдим, деб дадил айтолмайман".

Хуллас, китобхонлик маданияти китоб етказиб бериш, хонадонларда ҳашаматли кутубхоналар ташкил қилиш билан ўлчанмайди. Балки яхши китоблар ўқилиши, миллатнинг маънавий юксалишига хизмат қилиши керак.

Юртимизда ўтказилаётган китоб ҳафталиклари бу борада қўйилган улкан қадамлардир.

Ҳумоюн АКБАРОВ

РАМАЗОН ШУКУҲИ

Ёнимиздаги дўконда ҳар доимгидай савдо авжида. Ифтор яқинлиги сабаб касса олдида анча одам йиғилиб қолган. Иккита нон, бир кило ун, бир литр ёғни аранг кўтариб турган озғин, одми кийинган онахонга кўзим тушиб ўз навбатимни бердим ва касбимга хос синчковлик билан ранг-рўйига назар ташладим. Ҳолатидан муҳтожлиги ва бемор экани кўриниб турарди. Кассир қиз билан илиқ муомаласини кўриб, бир нарсани дилимга тугдим: унинг манзилини сўрайман ва қўлимдан келганича ёрдам бериб тураман. Бироқ улгурмадим. Ўша куни холанинг ҳолатига мендан бошқа инсонлар ҳам бефарқ бўлмаган экан. Бир савобталаб сўраб-суриштириб, унга бир умр ёрдам бериб туришини айтибди.

– Кимлигини ошкор қилишни истамай, аллақанча маблағ ташлаб кетишди.

Бугун яна нонга чиққан холанинг хурсандчилигини кўрсангиз эди. У бир кило гўшт, сариёғ, ҳолва, хурмо олди. Қатор оралаябди-ю, кўзлари жиққа ёш, тинмай пичирлаб дуо қилади. Касса олдига етиб келгунча ёрдам қўлини чўзган сахий инсонни дуоларга кўмиб ташлади. Бугун у узатган пулини биз ҳам олмадик. Тўғриси, ололмадик. Ҳар куни иккита нон учун қалтираб узатган тангаларини битталаб санаб олар эканмиз, бирор марта ранг-рўйига кўз ташламаган эканмиз. Эътиборсизлигимизданўялиб кетдик.

Энди харидорларнинг қўлигагина эмас, юзига ҳам назар ташлаб турамиз, опа.

* * *

Йўл тирбанд. Ифторлик вақтига оз қолган. Улгурмаймиз деб, асабийлаша бошлаган ўғлимни тинчлантириб, машинага бир-икки "баклашка" сув ва хурмо солиб қўймагани учун койиган бўлдим.

– Энди ёзғирма, асабийлашма! Ҳамма ҳам бизга ўхшаб ифторликка шошяпти. Ана қара, йўлда нимадир бўлган. Шундан тирбандлик.

Дарҳақиқат, йигирма қадамча олдинда икки машина тўқнашиб, тартибсизликка сабаб бўлган экан. Аранг ўтволиб, йўлда давом этдик. Аммо бир чақиримча юрмай, ЙПХ ходими йўлни тўсди:

– Уффффф, қанақа кун бугун ойи. Бирорта қоидани бузганим йўқ-ку! Ҳеч бўлмаса Рамазонда тўхтатишмаса бўларди. Ҳозир яна бирор камчилик топишмаса гўрга эди.

У ғудранганча ҳужжатларни олиб жаҳл билан эшикни очди, аммо чиқишга улгурмади. Машинага яқинлашиб, тиржайиб ўзини таништирган "командир" узрнамо бош эгди:

– Ҳужжатларни жойига қўяверинг. Қоидани бузганингиз йўқ!

Зўрга турган ўғлимнинг асаби дош бермади:

– Жаримам ҳам йўқ! Нима, ҳазиллашяпсизми? Инсоф ҳам керак-да! Рўза пайтида-я!

ЙПХ ходими янаям ҳалимлик билан узр сўраб, очиқ турган ойнадан бир елим халтани узатди:

– Оғиз очиш пайти бўлди, ҳурматли ҳайдовчи. Рамазон муборак!

Ўғлим анграйиб, елим халтани менга узатди. Шошиб очдим. Қарасам, иккита қадоқланган сув ва бир қутича қуритилган хурмо турарди. Ўғлим ўз муомаласидан уялиб, хижолат тортди.

Оғзимизни очдик. Шундагина атрофга диққат қилиб, бошқа ҳайдовчиларга ҳам ифторлик тарқатаётган яна беш-олтита ЙПХ ходимига кўзимиз тушди.

ЙПХчиларни чин кўнгилдан дуо қилиб йўлимизда давом этдик.

* * *

Унинг газини бугун, албатта, узиб кетишади. Чироқни ҳам.

Ўтган гал икки идорадан баробар бостириб келишганида қаттиқ огоҳлантиришган эди. Бева, эрининг йилидан сўнг анча қийналиб қолгани, катта қарзи борлиги ва рўзғордан орттира олмаётганини айтиб, ялинса ҳам қулоқ солмай, охирги муддатни беришганди.

Бугун 9 апрель. Муддат кеча тугаган. Тезроқ овқатни пишириб, чой дамлаб олиш керак. Ифторгача улгуради. Овқатни кўпроқ қилиб қўярди-ю, бироқ масаллиқ камроқ-да...

У апил-тапил қозон осиб, таомни пишириб, чувиллаб турган етимларини тўйдириб, орқасидан чой дамлаб, ичириб бўлди ҳамки, газ ҳам, свет ҳам ўчмади...

Қош қорайиб қолганида ташқарида шовқин эшитилгандай бўлди.

"Ана, қирқишяпти"! Хаёлидан ўтти унинг.

Лекин ташқарига чиқмади. Яна йиғлаб юборади. Яна қоракўзлари бўзлаб қолгани, улардан бири ногиронлигини эслатиб ялинади. Яна келганлар уни қойиб, уялтириб, охирги муддат ўтганини эслатиб, уйини электрдан ҳам, газдан ҳам узишлари тайин эди.

Ташқаридаги ғала-ғовур тиндики, газ узилмади, қоронғулик чўкмади.

Бева чўнгагина дарвоза очиб, ҳисоблагичлар илинган томонга мўралади.

Ҳеч ким йўқ эди. Хайрон бўлиб, эшикни ёпиб уйга қайтмоқчи бўлди. Шу он оёғи остидаги қоп ва елим халталарга кўзи тушди.

Бу кимнингдир эҳсони эканлигига ақли етиб, дуо қилиб, болалари билан ичкарига олиб кирди. Қопдаги ун экан. Елим халталарни ҳам бирма-бир оча бошлашди. Уч килоча гўшт, ёғ, гуруч, қанд-қурс, ёрма, макарон, икки қути тухум, ўйинчоқ ва талайгина пул ҳам бор эди.

Болалари егуликлар ва ўйинчоқлар учун қувонишган бўлса, пулни кўриб беванинг елкалари титраб кетди.

Эртасигаёқ газ ва электр идорасига югурди. Бироқ қарзи аллақачон узилгани, ҳатто ярим йилга олдиндан тўланганини айтишганида ишонмай, ўзи текшириб кўрди;

– Ким? Ким тўлади, синглим?

– Билмасам?

Бу саволни газ идорасидагиларга ҳам берди. Яна шундай жавобни олди.

Бева уйига қайтар экан, қўлидаги пулга кичиги учун шим, ўртанчаси учун туфли, ногирон боласи учун шифокор ёзиб бериб, анчадан бери ололмаётган дориларни сотиб олди.

У Рамазонда шунчалик қувонтириб, эҳсон қилиши мумкин бўлган одамларни тахмин қилиб, бир-бир дуо қилиб борарди:

– Менингча Саидмурод ҳожи... Балки, Зариф бойдир? Ойимхон тижоратчи бўлиши ҳам мумкин. Олим бойвачча! Балки янги ҳоким юборгандир...

У яна бир талай бойвачча, ҳожи, тижоратчи амалдорлардан гумон қилиб, ҳаммасини дуога кўмиб ташлади. Лекин, аслида, бу яхшиликни ўша куни гази ва чироғини узиб кетмоқчи бўлган иккита оддийгина йигитлар бирга қилишгани хаёлига ҳам келмасди...

* * *

Дадам бериб юборган асалдан олиб Лариса Михайловнани кўргани бордим. У бизга дарс берган. Жуда қариб қолган. Ёлғиз яшайди.

САХОВАТ

Эшикдан кириб борсам доим йиғлаб кутиб олади. Дори-дармонларига ёрдам бераётган турмуш ўртоғимни роса бир соат алқаб, дуо қилади. Унинг биттагина қизи чет элда яшаб, онда-сонда, ўзининг айтишича, уч-беш йилда бир йўқлаб келар эди...

Бу сафар дарвозасида каттакон қулфни кўриб, қўлимдагиларни туширириб юборай дедим. Наҳотки, вафот этди? Телефони ҳам ўчиқ. Йигирма кундан бери хабар олмаганим учун ўзимни кечира олмай, йиғлаб юбордим.

Шу вақт бир аёл келиб қолиб, Лариса Михайловна тириклиги, санаторияда соғлигини тиклаётгани, дам олиш маскани тоғ орасида жойлашгани учун қўнғироқ қилиш қийинлигини айтиб тинчлантирди.

Хурсанд бўлиб, биринчи берган саволим шу бўлди:

– Қизи келдими?

– Йўқ!

– Унда ким ёрдам берди. Ахир, ҳеч кими йўқ-ку!

Ўзини маҳалла фаоли деб таништирган аёлнинг боши эгилди:



– Тўғри айтасиз, синглим. Унинг ҳеч кими йўқ. Унинг борлигининг ҳам бировга қизиғи йўқ эди. Шу ярми чириб тушган тахта дарвоза олдидан бир кунда ўн марта ўтсак ҳам ичкарида яшаётган одам билан ишимиз бўлмабди. Сиз келиб хабар ола бошлаганингиздан сўнггина, бечора кампирнинг профессорлиги, илм-фан равнақи учун ҳисса қўшган олима эканини аниқладик ва даволанишга ётқиздик. Калити менда. Юринг, кирайлик. Уйини қандай таъмирлаганимизни ҳам кўрсатаман. Дарвозани алмаштириш қолди, холос.

Ичкарига кириб, кўзларимга ишонмадим. Ўзим озроқ тартибга келтиришга кўмаклашган чоғроқ томорқа чопилиб, бир қисмига наргиз, бир томонга лолалар экилган, бир даҳлиз, айвонли иморат эса дид билан оқлаб, кўкланган эди. Китоб тўлалигидан синиб кетган жавон ҳам янгиланибди.

– Идиш-товоқ, янги телевизор ҳам олдик. Кейин ташқарига "Бу ерда меҳнат ветерани, профессор, олима фалончи фалончиева яшайди", деган лавҳа осиб қўямиз. Кампирга чиройли сюрприз бўлади. Тўғрими?

Бош қимирлатиб тасдиқладим-у, Лариса Михайловнанинг қанчалик қувонишини тасаввур қилиб, кўзларим порлаб кетди.

Муаззам ИБРОҲИМОВА

МУТОЛАА

КЎНГИЛ НУРИ ТОМГАН САТРЛАР

Эшқобил Шукур адабиёт ихлосмандларига, сўз ва маърифат шайдоларига катта қалбли, маҳоратли шоир, асарлари мавзулари Ватан руҳи, элдошлар кўнглига туташ носир сифатида таниш. Унинг бадиий публицистикаси меҳр-муҳаббат билан, инсонни инсондек кўрмоқ орзусидаги қалам соҳибининг теран ва вазмин фикрларига йўғрилган, ўқувчи муаллиф овозини эшитиб тургандек бўлади.

Яқинда шоирнинг иккита китоби олдинма-кетин нашрдан чиқди. Бу асарлар маънавий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди.

Сўз қудратли куч. Сўздан қалқон ҳам, қилич ҳам яратиш мумкин. Албатта, сўз ўз эгаси тилида ўз ўрнини топа олса. Сўз инсонга қалбидагини изҳор этиш, айни дамда кўнглидагини яшириш имконини ҳам беради. Шу сабабли ҳам сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор, дейилган. Муаллифнинг "Аср афсоналари" (Ғафур Ғулом номидаги НМИУ), "Бобосўз изидан" ("Адабиёт" нашриёти) китобларини мутолаа қилиб, шундай фикрлар хаёлдан ўтди.

"Аср афсоналари" китоби муаллифнинг турли йилларда битилган ҳикоялари, оққа кўчирилган бугунги кун ривоятлари, насримиз учун воқеа бўлгулик қиссалари ҳамда бадиаларидан иборат. Ушбу асарлар, биринчи навбатда, миллий руҳда ёзилгани билан ҳам қимматлидир. Гап шундаки, бугун китобхонга тиқиштирилаётган кўплаб китобларнинг руҳияти, моҳияти бизга бегона. Худди бошқа тилдан таржима қилинган-у, ўқаҳрамонларига ўзбекча исмлар қўйиб чиқилгандек. Эшқобил Шукурнинг ҳар бир асари руҳига соф миллий туйғулар сингиб кетган, қаҳрамонларининг андишаси, ориятн, меҳрибонлиги, ҳатто чапанилиги ҳам айнан ўзбекча. Айни дамда адабиётнинг катта жанри бўлган наср талабларига мувофиқ тарзда, соф бадиий ечимлар билан ўқирманни ўзига тортади.

"Қайғу чимилдиғи" ҳикояси қўриқхонада сақланаётган Ника лақабли қоплон, унинг аянчли қисмати ҳақида. Бу урғочи қоплоннинг қошига эркак турдошини киритишади. Табиатнинг буюк эҳтиёжи бўлган жуфтлашиш ҳисси Никани беҳад ҳаяжонга солади, қувонтиради. Бироқ қўриқхонага келтирилган нар қоплон Никанинг эҳтиросларини жавобсиз қолдиради. Узоқ муддат қафасда сақланган қоплонда ейиш ва ичишдан бошқа эҳтиёж қолмаган эди. Бир тишлам гўшт учун лайча каби думини ликиллатади. Никага қайрилиб ҳам қарамайди. Уч кун шу тарзда ўтади. Ника йиғлайди: "Унинг катта-катта малларанг кўзларидан қайноқ ёшлар тўкиларди. Овозсиз йиғларди у. Биринчи кечаси ҳаром бўлган бахтсиз келинчак каби...". Унинг ҳолини шундай ифодалайди адиб. Тўртинчи кун тонгда фожиа рўй беради. Ника ўзини бу бағритош, бедил ва ҳиссиз оламдан халос этмоқчи бўлиб, симтўрдан сакрайди. Аммо ўтолмайди. Ханжардай панжарага қадалиб қолади. Темир тиғлар табиатнинг гўзал жонивори Никанинг бағрини ёриб ташлайди. Бу ҳолни муаллиф: "У икки дунё оралиғидан сакраб ўтаётганда ҳалокатга учради", деб ифодалайди.

Ўзбекча ёзиш ҳақидаги фикримизга айни шу ҳикоя бир мисолдир. Номнинг ўзиданоқ руҳ яйрайди – "Қайғу чимилдиғи". Эшқобил Шукурга хос сўзлар. Асарни табиатда бўлади-да, деб турли воқеаларга ҳам тўлдириб ташлаш мумкин эди. Аммо бунга адибнинг ички андишаси йўл қўймайди.

Шоирнинг иккинчи китоби эса 2018 йили ўқирманлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган "Бобосўз изидан"дир. Бу ўзига хос луғат яна бир баравар каттариб, она тилимизда унут бўлган 418 та сўзни жамлаган ҳолда қайта нашр этилди. Дунёда йилига ўнлаб тиллар батамом йўқ бўлиб кетаётган паллада шундай китобнинг майдонга келиши катта ғап. Ўзбек тилининг нақадар серқатлам тарихи борлигини, шу тилда яшаётганимизнинг ўзи катта саодат эканини китоб мутолаасидан сўнг чуқур ҳис қиласиз. Муаллиф тилшунос эмасман, тилшуносликка даъвогар ҳам эмасман, дея бот-бот таъкидлайди. Аммо "Бобосўз изидан" китобидаги сўзларнинг ҳар бири учун ўнлаб қўлёзмалар синчиклаб текширилгани яққол сезилади. Эшқобил Шукур ҳар бир сўзга тирик инсон билан муомала қилаётган каби ёндашиб, катта заҳмат, чинакам фидойилик кўрсата олган. Бунинг учун мутахассис бўлишнинг ўзи кам. Шу халққа, шу халқ сўзлашадиган тилга улкан муҳаббат ифодаси бу.

Китобнинг руҳиятига кириш учун биттагина мисол келтириб ўтсак: "Ҳамма томони океан, денгиз, дарё ёки кўл суви билан ўралган қуруқлик тилимизда "орол" сўзи билан ифодаланади. Бу сўз қадимги "Ирқ битиги"да арал шаклида қайд этилган. Ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишича, қадимги тилимизда ар деган феъл бўлган ва "айириш", "ажратиб қўйиш" деган маъноларни англатган. "Орол" сўзи шу "ар" феълидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки орол сувдан айрилиб, ажралиб туради. Яна баъзи манбаларда эса орол сўзи "оралиқ" маъносини англатувчи "ора" сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин, деган фараз ҳам илгари сурилади. Маҳмуд Кошғарийда "ора" сўзи ара шаклида келган: киши ара кирдим – одамлар орасига кирдим".

Китобдан ўрин олган юзлаб сўзлар мутолаа давомида ўқувчини олис мозийга элтади. Юртнинг тадрижий тарихи қандай босқичларни бошдан кечирган бўлса, она тилимиз бундан ҳам қадим йўлни босиб ўтганига шоҳид бўласиз. Ушбу китоб сўзлар тафтиши, элакдан ўтказилган қанчадан-қанча фикрлар хулосаси жам бўлгани билан, зар қадрини заргар билади деганларидек, сўзни қадрловчи ҳар бир киши учун қимматлидир.

"Аср афсоналари" китобида шундай жумла бор: "Нур тушмаса, ҳатто қор ҳам қорайиб кўринади!" Шу фикр Эшқобил Шукурнинг ҳар икки китобига ҳам бирдай тегишли эканини ҳис қилдим. Кўнгил нури томган, маърифат балқиб турган сатрларгина ўқувчини ўзига тортади.

Сўз сўнгида айтиш керакки, иккала китобнинг ҳам адади жуда кам – 1000 та. Шундай бўлса-да, бу китобларни халқимизга тақдим этган нашриётларга, ҳомийлик қилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташаккур, деймиз.

Комил НИЁЗ

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

ФАРЁДИ ТУРКИСТОН

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ



Ўтган XX асрнинг 1905 йил 17 октябр куни чор Русияси томонидан зълон қилинган "ҳуррият" — мустамлака халқларига берилган "марҳаматнома" (манифест) туфайли империя ҳудудидаги асир турк халқлари кўксига бир оз енгил шабада текканде бўлди. Император томонидан марҳамат қилинган ҳуррият империянинг турли ўлкаларида ҳукмронлик қилаётган ҳарбий губернаторлар, улар қарамоғидаги ҳарб ва маориф кучлари томонидан турли ча қабул қилинди: ҳуррият масаласига ўз тушунчалари ва хизмат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошилди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак ички Русияга нисбатан Туркистонда аҳвол анчагина тубан даражада эканлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, турк тилида Боғчасаройда кўлами жиҳатдан бошқалардан анча кенгроқ бўлган "Таржимон", Петербургда деярли цензура аралашмайдиган "Улфат", Қозон ва Оренбургда нашр этилган "Қуёш", "Вақт", "Шўро" нашрларига қиёсан Туркистонда, хоссатан, Тошкентда нашр этилган "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Азия", "Ўрта Азиянинг умргузарлиги. Тараққий", "Тужжор", "Садойи Туркистон" ва "Садойи Фарғона", "Ойина", "Самарқанд" нашрлари Туркистон генерал губернаторлиги хўжайинларининг ва уларнинг донгдор маслаҳатчилари, хусусан, генерал Н.П.Остроумовнинг ўта мутаассиб қарашлари, мустабидлиги оқибатида зикр этилган нашрлар ниҳоят қисқа умр кўрди.

Русия давлат Думасига маҳаллий аҳолидан вакил юбориш масаласи ҳам дастлаб бир оз ижобий ҳал қилиниб, Туркистондан Иккинчи давлат Думасига маҳаллий турк-ўзбеклардан русларга нисбатан оз вакиллар юборилган бўлса, кейинчалик бу иш мутлақо тўхтатиб қўйилди. Учинчи Думага умуман биронта вакил сайланмади. Бу қандай ҳол: маҳаллий аҳолидан ҳадиксирашми, империяни йўқотиб қўйишдан ёхуд мустамлакачиликнинг жирканч қиёфаси очилиб, хорижий мамлакатлар олдида шарманда-ю шармсор бўлиб қолишдан қўрқишми?

Русия давлатида умуминсоний сиёсат йўқлигими, миллатларни зулмат ўлкасида сақлаб туришнинг оддийгина тартибими? "Туркестанское положение" деган тор қонунлар мажмуаси XX аср учун эскириб қолганини тан олмасликми?! Ҳаммаси!

Атоқли жамоат ва давлат арбоби, ходимул миллат Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1906 – 1907 йилларда "Улфат", "Туркистон вилоятининг газети", "Вақт" нашрларида эълон қилинган мақолаларига назар ташлаган кишилар арбобнинг ватан қайғуси билан умр кечирганига ишонч ҳосил қиладилар. Беҳбудий донгдор ҳамшаҳарлари билан ҳамфикр бўлиб Туркистондан, хоссатан, Самарқанд вилояти ва шаҳридан Думага сайланадиган вакиллар сонини аҳоли нуфузига қараб орттирмоқ масаласини ўртага қўяди. Маҳаллий аҳолидан кам, келгиндилардан кўпроқ сайланганига урғу бериб, ижтимоий ва сиёсий тенглик масаласини сиёсат майдонига қўйиб, эл муҳокамасига ташлади. "Закаспийский ва Семиречинскийга қарағанда бизни вакилимиз, тўрт, ҳеч бўлмаса уч нафар бўлиши лозимдур" дейди. Самарқанд музофоти ва шаҳри 40 йилдан буён подшоҳлик манфаатига қарши ғалаён қилмагани, барча масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишига қарамай биргина вакилга ўрин берилгани, агар халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилмаса, ўсиб келаётган ва тобора куч олаётган келгинди беш-ўн нафар бой, савдо саноат хўжайинлари халқнинг бу ҳуқуқини ҳам тортиб олишлари мумкинлигини эслатади. Туркистон ўлкаси ва халқининг сиёсий, ижтимоий, маърифий масаладаги, ҳатто оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ниҳоятда чекланганлиги, Туркистон низомини замон талабига жавоб берадиган ҳолатга олиб келиш, бунинг учун Русия давлат Думасига Туркистон туб аҳолисининг нуфузига мос, унинг ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қиладиган ваколатли вакилларни кўпроқ юбориш, ҳукумат раҳбарлари ва Дума депутатларининг зътиборини Туркистонда зулм гурзисини ашаддий юритаётган амалдор ва мансабдорларнинг "фаолияти"га, турли фирқаларнинг мақсад-маслагига, Туркистон муаммоларига қаратиш Беҳбудий қалами билан ифодаланган умумтуркистон халқининг талаб ва эҳтиёжларидир.

Маҳаллий халқ вакиллари, хусусан, зиёлилар минг йиллар мобайнида фойдаланиб келган вақф, қози, муфти, мударрис сайлаш, мактаб-мадрасаларни ислоҳ қилиш, Туркистонга хўжайин бўлиб олганларнинг маҳаллий халққа нисбатан инсоний муносабатда бўлишга зътибор қаратиш – энг ўткир кундалик муаммолардан ҳисобланган. Ушбу муаммолларни адолатли ҳал қилиш учун чор Русияси ҳукумат арбоблари, хусусан, Туркистонда ўзларини мутлақ хўжайин деб билган ҳарбийларнинг, амалдорларнинг фаолиятини давлат миқёсидаги сиёсат даражасида ҳал қилиш масаласи пишиб етилганига анча вақт бўлган ва чор манифести бу ҳолатнинг инъикосидир. Маҳмудхўжа Беҳбудий чор ҳукумати вакилларининг Думада ишлаш учун сизларда ўқимишли кишилар йўқ, деганларига қарши ўлароқ бизда ўқимишли кишилар бор эканлигини сўзлайди ва бу масалага бағишланган мақолаларида ўз номзодларининг номларини ҳам келтириб ўтади. Уларнинг илмий савияси, жамиятда тутган ўрни, мустамлака ҳукумати учун сиёсий ишончлилиги тўғрисида далиллар келтиради.

Чор ҳокимиятининг волийлари Туркистон халқини менсимаслик, унинг кўҳна маданиятини инкор қилиш нуқтаи назаридан ёндошуви, ҳар бир муаммога мустамлакачи назари билан қарашлари "Фарёди Туркистон" мақоласида очиқ-ойдин сезилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Вақт" газетасида ҳижрий 1335 йил, муҳаррам ойининг 10 куни босилган "Фарёди Туркистон" мақола-ўйларини ўқиган ҳар бир зиёли, амалдор чуқур ўйга толади, халқимиз қандай азоб исканжасидан қутулганига ишонч ҳосил қилади, мавлоно Беҳбудийга ўхшаб миллатимиз истиқболи ҳақида теран мушоҳадалар юритади, деган умиддамиз.

Сирожиддин АҲМАД

Бизим Туркистон музофоти ушбу Самарқанд, Фарғона, Сирдарё, Еттисув(Семиречинск), Мовароубаҳри ҳазар (Закаспийск) исминда беш областдан иборат бўлуб, олти миллион нуфуси исломияни шомилидур. Кейинги (сўнгғи) икки вилоятдан маодаларинда ҳатти ҳар бир уездни шаҳарларинда бешдан йигирма-ўттуз қадар қадимий буюк мадрасалар бордирки, бунлардан баъзисининг мисли балки Осиё қитъасинда ўлунмаз, Осиёи висто баладларининг шоён ибрат ва тамошои айния азималари: мадраса, масжид ва жомеъ-лардан иборатдур. Икки-уч аср ўлмиш хавонини атрок (раҳматуллоҳ) вор қутлари, яъни бинои мадорис ва жавомеъа сарф этибдурларки, бу кунги импературларнинг саройларидан олий мадраса ва масжидлар то барчалари каби дорулулуми ва бақоати хайриялар бунга шоҳиддур. Юз минглар ила сўм баҳолиқ арса ва ерларни бу мадрасаларга вақф ҳам қилмишлардур. Зотан, Туркистон амир ва хонлари ўз илм фийҳийларина мутаносиб ақча ва хидматларини дин ва миллат йўлинда халқуллоҳ манфаатина сарф этарга ҳисобланадурлар. Ҳозирги амири равшан замир Бухоро жолис ва соҳиби тахти темурий ал-саййид Абдулаҳадхон ҳазратларининг Русия мусулмонлари пойтахтлари масжидина этмиш ҳимматлари бу даввомизни исботина кофийдур.

Келалим кайфияти таҳсила: Туркистонда мадрасалар мактаблардан айридир. Мадрасаларда турки ва форси ўқулмай, фақат арабий луғат ила таҳсили илм қилнур. Мадрасаларда бирдан тўртгача мударрислар бўлур. Ушбу мударрислар сарф, нахв, мантиқ, калом, фиқҳ, ҳикмати қадима ва баъзи усул илмларини таълим эдарлар. Аммо тафсир ва ҳадис маъон ва баён, аруз ва ҳисоб, ҳандаса ва жуғрофия каби илм ва фанлардан дарс йўқдир. Ҳолбуки мадраса бонийлари ва вуқуф этувчилар мадрасаларинда улуми шаръия ва фунуни лозимадан талабага таълим верилмасини шарт эдуб бунингла мударрисларни мадҳон этмишлардир. Амроъ ва хавонини оята ушбу шартлара мурожаат этсунлар дея васияти шаръи суваринда амр айламишлардир. Мадрасаларнинг улум ва фунун шаръия ва замонияда олим ва моҳир ўлмоқларида шарт этмишлардир. Бу вақфномаларимиз ҳар бир вилоят маҳкамаларинда ҳукумат алинда бу кунда ҳам маҳфуздур.

Русия тағобинда муқаддам бизим мадрасаларимизни насаб тариқи, исботи истихқоф ва уламоларнинг дарсларни имтихони шўйла экан, сибён хат ва савод чиқордиқлари баъдинда сарф ва нахв, дигар тарафданда фиқҳда "Мухтасар ал-виқоя" ва ондан сўнг "Ҳидоя"ни ўқуб фиқҳга маҳорат ҳосил этгондан сўнг Бухоро қози калони ҳузуринда "Ҳидоя"дан имтиҳон верадир. Бўйла талабаларнинг ҳар бирина синови 120 Бухоро тангаси (19 сўм) "даҳйак" исмли вақфдан верилур.

Йигирма сана муқаддам бу 120 танга ҳозирги 50 сўмдан баракотли эди. Зеро, у чурзоқ эди, бирар мансабга молик ўлдиғина ва умрининг охирина қадар ушбу вазифаси верилуб турар эди. Буюк мансаблара ноил ўлғондан сўнгра ушбу даҳйак ҳамиша верилур эди. Ушбу даҳйак ҳақинда ўлан маншур (ёрлиқ) талаба алинда ўлурки, кундалик соҳиби мутолаа арабия ва фиқҳия маҳорати ўлдиғина маношоҳид тонимадур. Юқорида мазкур илмларни ушбу талабалар йигирма йил муддат ўқиб, хатм қилалар. Собиқ Бухоро ва Самарқанд мадрасаларинда хатми кутуб қилувчи ҳар бир талабанинг амволи қози калон ҳатти ҳазрат амирга маълум ўлуб, махсус дафтарга ёзилур экан. Бу хатмкарда муллолар, Бухоро ва ё Туркистонда ўзга шаҳарларда ўлан мадрасаларда таълим ва тадрисин устинда ҳозир ўлуб бир-икки сана дарс шунлик ва хусусий дарслар ила машғул ўлурлар. Талабалар бу хатми кардалар ҳузуринда махсус дарслар ўқурга бошларлар, бу рашид муллоларда ўз маҳорат илмияларини билфеъл исбот айлар ва шуҳрат топарлар. Қози калон ва ҳуком қулоғина етар. Талабаларда бунларнинг мартабаларини тайин ва мужарриба ила тақдир этарлар. Баъд мансаб талаб эдуб теюшли маҳалларга арз эдарлар. Қози калон ҳузуринда янадан китоб ўқуб ҳоли ўлан мансоба ва матлубина эришур. Баъзан бир қоч рашид муллолар бўш мансоба ҳужум эдарлар, бунлар учун мумаййизлар тайинлануб "Ижлос" қурулур. Бир майдони мунозара ва мусобақадур, очилур. Кимнинг илми зиёдадир, билфеъл исбот эдуб ҳақ ва улувиятни кўстаруб мансаба мустаҳиқ ўлур. Сўнграда тадрижа вазифаси зиёда ва рутбаси тарфеъ ўлнур. Шўйла кишилардан қози, муфти, аълам, мударрис ва мухтасаблар ўлурлар. Хавонини мозия замонинда муқаррар вақф вазифаларидан маода бунлар санавий маош ва хулқлар ҳамда судур, нақиб, шайхулислом лақаблар верилур экан. Мазкур лақаб аҳилларина хазина ҳисобидан санавий ақча ва ё ғалла (пенсия) ва ё тақоада ўхшаш маош тайин эдилинур экан. Имом, мактабдор ва муаззин амсоли руҳоний ва илмий ходимлар шўйла қози ва мумаййизлар ройи ила насаб қилнурлар экан. Бўйла насаб эдилмиш руҳоний ва илмий ходимлар ёки қози ва муфтилардан, ҳатти ўндан бирининг номуносиб киши ўлмаси нодир ўлур экан. Мухтасиб ва қози доим барча масжидларни машоҳид эдуб номуносиб руҳонийлари юқори маҳкама, қози калон ва ҳокимларга билдируб турар экан. Бўйла олий кишиларнинг маҳалла аҳлига ўлан ваъз ва насиҳатлари табиий таъсир эдар эмиш. Маҳалла ва қарялардаги ғайри машруъ ҳодисалар имом ва мударрислар тарафиндан қози ва ҳокимлара лафзан ва китобат арз қилнуб турулур экан.

Бир вақт Туркистон Русия ҳукуматина тобеъ ўлур, рус маъмурлари ҳар на васила ила ўлса-да, ўлсун хоҳ олим ва хоҳ жоҳил, ҳатти саводсиз одамлар ўлсун қози эдуб насаб эдарлар. Жоҳиллар ҳеч истисносиз олимлар пўстина кечарлар ақим фикр, сақим ройлар ва рус маъмурларининг приказлари шариат ҳукмина ҳавола эдар. Бир начальник васототи ва амри ила ҳар насл номашруъ ҳокимлар, қозилар тарафиндан воқеъ ўлур; ул замон русия маъмурларина фақат саждагина қилинмайдур. Аммо Туркистонда бош кишилар оларга сажда қилмоқни фазилат билгонлар... (шу ўринлар жумла тушмай қолган – С.А.) аммо ва руҳо ҳам халқан таданний ва таназзул ҳамда фасоди ахлоқ давраси шу нуқтадан бошланур.

Туркистон забти ва рабти учун вазъи ўлунмуш низом, зоҳирда халқларга жузъий сайлов ихтёри верар, аммо ҳақиқат бусбутун бошқадир. Туркистон халқи ўз қози, мударрис ва имом, оқсоқолларини ўзлари сайларлар, аммо муносиб ва мустаҳиқ хизмат кишилари сайланувга ҳеч бир турли қайд ва истисно бу қадар подсуд ўлмаган. Ҳар 25 ёшина етганлар ерли қозиларни, зулсановийларни ва ўзга мансаб аҳлларини сайларга мумкиндир. Сайланмиш кишиларни мустаҳкам қилиш ва сайловни аъода учун амр бериш ҳақинда рус маъмурлари низома ҳақлидирларки, қиёфатлари онларга мувофиқ кўрилмадигинда сайлов истиноф ўлур. Ушбу тадбир ила барча илмий руҳоний ҳам миллий маъмурлар чиновникларга асир ўлурлар. Қайу соатга тўраларга асир ўлурлар, қаю соатга тўраларга ҳаракати ва қиёфати маъқул кўрунмаз, ўшал он азл ўлнур.

Баъзи бир маъмурлар бизим миллий мансабдорларимиз бўюнларина ҳатти ит(кўпак)ларини тирилай осарлар, онлари олдина солуб чопув ва бўйнина ит ҳайдарлар. Бу вақшат бизим Самарқанд областинда воқеъ бўлинмишдир. Иш бўйла экан, чиновникларнинг ризоси шариат ва халқ ризолиқиндан муқаддам ўлур. Сайловга кирмаздан илк ҳар кас ул чиновникдан ўзини сайлатурга онинг изн фотиҳасин олурга мажбур ўлур ва олиҳин мавта анго тобеъ қолур. Бу кунгача бўйла ва иллатлар биздан кўтарилмади.

Шул тариқа ила уламодан анжиқ аввалги ҳолнинг акси ўлуб, бу кун Туркистонда олим қози, мустаҳиқ муфти муносиб ва муқтадир мударрис ва худомадин авалги ҳол ила маъкуса муқоссидур. Ал он Туркистонда ал он дорул қазоларга қози, кимни муфти таъйин қилса ул муфти ўлур. (Туркистонда қози буюк ва муфти кичикдир.) Илм билгу шарт эмас. (Бу муфти хизмати ва вазифалари ҳам ҳаракоти тўғрисинда ойрича ёзилур.)

Бан роқими хуруф шўйла номуносиб "муфти дорул қазо" тўғриси "мухти"лардан. Туркистонда ҳар бир қози ҳузуринда бирдан тўртга қадар муфти бўладур.

Мадрасаларга келанча: бунларнинг тариқ мансубиятлари ниҳоят жонсўздур. Шўйлаки: мударрис ва қози ўлмоқ истаса ўзининг ўғли ё ўзина тобеъ ва қарйиб бир кишини хоин мутаваллига маъқул қилдируб, 25 нодон талабадан мударрислигина приговор қилдирадур, салоҳият ила асло малхуз эмас. Сўнгра мусулмончадан хабарсиз ўлан инспектор тарафиндан мударрис ўлуб тасдиқ эдилур. Баъзан доно(олим) талабалар мухолифат эсалар фавран мударрис ва мутавалли тарафиндан тард ўлнурлар, мударрис дарс ва таълим верса-вермаса ихтиёр ўзиндадир, Оллоҳ Таолийдан бошқа нозир йўқдир.

Ҳозирунда бизим Туркистонда қози ва муфти, мударрис ва муаллим, имом ва муаззин ҳам хатиблар учун ҳеч имтиҳон йўқдир. Шул жиҳатдин аксар мактабдорларнинг хатолари, муаззинларнинг саводлари, имомларнинг қироатлари, мударрисларнинг мутоалалари йўқдир. Бу сўзлар муболаға эмас, ҳақиқатдир. Туркистонда бир катта салла ва бир аъло хилъат жами 15 сўм масориф ила ниҳоят катта бир олим сифатина ҳоиз ўлурлар. Аммо қозилиқ учун 2000 сўм ва мударрислар учун 200 сўм қадар ақча керак. Бошқа руҳоний ва илмий мансаб ва хизматлар восита ва тасмия ҳамтамлиқ ила ўлур. Бир нарса билмак шарт эмас.

Бир мадрасага 20 талаба приговорий ила бир ноаҳил мударрис сайланур, бир волостда 40 нафар эл бошларидан 21 нафарининг садоси ила бир жоҳил қози сайланур ва Русия маъмурларина на-да, маъқул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудоҳиласи муътабар ўлмас ва сўзлари эшитилмаз.

Ишта бизим Туркистон шаҳарларининг бу кунги қози, муфти ва мударрис ҳам имом ва ўзга руҳонийларининг салосони, саҳро ва қарйада ўланларининг ўндан тўққизи шўйла номуносиб кишилар дин иборатдур.

Бу ҳолларни арз этмак учун биза бир маржиъ йўқ, раис диний йўқ, муфтий йўқ. Ҳукуматга арз қилинса, мазкур приговор ила Туркистон положениеси ҳужжат воқеа қайтарир.

Ўзимизда илм ва инсоф йўқ. Ҳар ким ўз манфаати шахсияси ортинда ва ўзи учун ҳар на деса фаҳмламоқни амалга киргизарга тайёрдур. Ҳануз миллатга ғамхўрлиқ бизим Туркистонда ўёнмамишдир. Улум ва фунуни жадида, санойи нафисада русия мактаб ва дорулфунунларинда тамаддуни замоний ва сиёсати ҳозирадан истифода этмак, минал соира каби тараққий толиби ўлмоқ орзуси юзмингдан бир киши кўнглинда йўқдир. Низоми ҳозир эса бизим ҳозирги нуқталаримиздан-да, таданний ва таназзулимизга ходимдир. Маъз Оллоҳ беш-ўн сана бўйла кечирса илм ва фазл бобинда, Сибирия ва бахри мунжамиди шимолий каноринда ўлан ваҳшийлар зумрасина кирмагимиз табиийдир. Оҳ жаҳолат ва оҳ, Фарёд!

Эй мошири расвойи Исломи Русия! Вой Русия мусулмонлари иттифоқи аҳли! Вой дума аъзолари! Эй мунсаф рижоли ҳукумат ва тараққийпарвар рус ватандошларимиз! Бизим бу аҳволимиз сиза маълум ўлғай. Мадраса, жомеъ ва дорулқазоларимиз бусбутун харобдир! Вуболимиз сизлара ортиса сазодир! Мактаб, мадраса ва жомеъларимизнинг авнофи ҳукумат тарафиндан забт ўлдиғиндан бири бизим диний, илмий маишатимизга таданний ва таназзул воқеа ўлди. Тадбироти низомияси бизни ҳар дақиқада тарафи ва ваҳшата савқ айлар.

Кошки биз сартлар тотор ёки сиз тоторлар сарт ўла эдингиз! Чунки бу кунда сизда илм ва интиҳоҳ биза нисбатла зиёда. Аммо сизда бизим қози ва муфаттишларимизнинг ҳукми йўқ. Туркистон қозилари милён сўмларни бировнинг нафъи ё зарарина ҳукм қилса, ёки бировни бир ярим сана ҳибс ва ёки 300 сўм иштрафга маҳкум этса ё завжит, варасат, усубат ва оила ҳамма лагит ишларинда ҳар на саҳиҳ ҳукм қилсалар низома ўрнина келур. Тоторбуслар каби барча васиқа ва шартномаларни ёзуб, тасдиқ этадурлар. Ҳақиқат айб биз мусулмонларғадурки дин, миллат ва Қуръони шарифни риоят этмак оз қолғондур. Воло Туркистонға верилган имтиёз ва ихтиёр на Оврупойи Русия ва на Қофқаз мусулмонларина верилгани йўқдир. Бизим қози, муфти ва миллий амромизда сизнинг каби илм ва интиҳоҳ йўқ. Демак, бизда асбоб вор, ҳаққила истеъмолиндан ожизмиз, сизда раойат ва илм вор, аммо асбоб ва ихтиёр йўқдур. Анингчун деюрам ким:

– Эй кошки биз – сиз, ё сиз – биз ўла эдук.

Самарқандий муфти дорулқазо ал ҳож Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа, хатиб.

Самарқанд.

Мақолани Сирожиддин АҲМАД нашрга тайёрлади.

ТЕАТРЛАРИМИЗ САҲНАЛАРИДА

ҲАМ КУЛАСИЗ, ҲАМ КУЯСИЗ

Таниқли ҳажвчи ёзувчи Саид Анварнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти давлат мусиқали дарама театрида намойиш этилган "Мардикорлар" комедиясини томоша қилиб, асарни саҳналаштириш жараёни анча мураккаб кечган бўлса керак, деган фикрга келдим. Чунки режиссёр спектаклни саҳналаштиришда фарс жанрини танлаган. Бунда сўзлар талаффузи, актёрлар либоси, ҳаракати, саҳна безаги, мусиқа ва ҳар бир ҳолат жанр талабига мос бўлиши лозим. Мураккаб усулдан фойдаланганига қарамай режиссёр Исақжон Эргашев комедияни муваффақиятли саҳналаштирган.

Асар воқеалари ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида, ўлкада чор Россияси ҳукмронлик қилган даврда бўлиб ўтган. Асар бош қаҳрамони Эркиндик мардикорлик қилиб, тирикчилик ўтказади. У ташқи кўринишдан содда кўрингани билан, аслида анча муғомбир. Актёр Музаффар Мирзаев бу образни маҳорат билан талқин этган, айнан содда-муғомбир инсон қиёфасини ярата олган. У мардикорликка борган хонадонида нопокликка шоҳид бўлса-да, усталик билан бу вазиятдан фойдаланади ва қисман ўз мақсадига эришади ҳам.

Баззоз (актёр Тоҳир Матбобоев) ўта хасис одам, тирикчилик илинжида кўчама-кўча изғийди. У хотинини яхши кўради. Буни яхши англаган хотини Сиёсатхон эрининг бурнидан ип ўтказиб олган. Эрининг олдида "Бегим, бегим" деб ялтоқланиб, уни хоҳлаган қўйига солади. Ўзини остона ҳатлаб кўчага чиқмаган аёл қилиб кўрсатса-да, хуштори миршабни уйга киритишдан ҳам тоймайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зарифахон Ҳайдарова унинг минг бир қиёфадаги характерини маҳорати билан кўрсата олган. Унинг бир лаҳзада бир қиёфадан иккинчи қиёфага кира олиши томошабинларда ҳам кулги, ҳам ғазаб қўзғайди. Хуштори Миршаб (актёр Ойбек Позилжонов) ўта такаббур, ўзига бино қўйган. Оқ пошшони умрида кўрмаган бўлса ҳам уни ўз раҳнамосидай, валинеъматидай улуғлайди. Кайф-сафони, айш-ишратни ёқтирадиган устамон шахс. Аммо мардикор Эркиндикнинг тузоғига тушгач, худди тўрга тушган беданадек питирлайди. Бу образ талқинида ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган жирканч кимса қиёфасини кўрасиз. Актёр Тоҳир Матбобоев хотини қаршисида ожиз бўлиб қоладиган Баззознинг содда-муғомбирлигини усталик билан кўрсатиб берган. Мардикорларни ишга ёллашда, совчи билан мулоқот жараёнида бу хусусиятлар яққол кўринган. Актёр ижросини кузатиб турган томошабин беихтиёр Баззознинг ҳолига ачинади.

Совчи (актёр Иброҳимжон Норматов) ҳам ўз ролини маҳорат билан ижро этган. У ўғли Давлатни (актёр Зуҳриддин Режабов) уйлантириш ташвишида. Салтанат (актриса Малика Сатимова) Баззознинг ёлғиз қизи, кўзининг оқу қораси, тўкин-сочинликда яшагани учун ҳам жуда эрка. Унинг эркалиги юриш-туришида, гап-сўзларида намоён бўлади. Еркиндик (актёр Сарвар Алиев) эса, Эркиндикнинг вақтинчалик мардикор ҳамкори, бўйдоқ йигит. У мардикорликка келиб, Салтанат билан чиқишиб қолади ва ўз бахтини топади.

Комедия қаҳрамонларининг гап-сўзларини ҳозирги тилимизга ағдарсангиз, бугунги ҳаётимизда рўй бераётган ахлоқсизлик, ёлғончилик, юккиозламачилик, порахўрлик сингари жирканч иллатлар кўз олдингизда гавдаланди. Спектаклни кўрган томошабин бири-биридан қизиқ, кутилмаган воқеаларга гувоҳ бўлади, ҳам кулади, ҳам куяди, ўйлайди. Муҳими ўзига керакли хулосани чиқариб, томошадан кўнгли тўлади. Назаримда, комедия ижодкорларининг мақсади ҳам шу бўлган.

Зиё НАЖМИЙ,
Ўзбекистон Республикаси театр арбоблари уюшмаси аъзоси

НАВҚИРОН ФАСЛ ИЛҲОМЛАРИ

Давоми, бошланиши 1- саҳифада

Тадбир доирасида очилган Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангтасвир кафедраси ўқитувчиларининг "Ватан – маҳалладан бошланади" деб номланган экспозициясидан Ўзбекистон халқ рассомлари Жавлон Умарбеков ва Акмал Икромжонов шогирдларининг ижод намуналари ўрин олган. Жумладан, Ф.Аҳмадалиевнинг "Авлодлар", С.Аҳмедовнинг "Бозор", З.Муҳаммадиевнинг "Момо портрети", З.Фармоновнинг "Гилам тўқувчи аёллар", Н.Иброҳимжоновнинг "Ижодкорлар" каби асарларида кундалик ҳаёт манзаралари акс этган. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби, тасвирий санъат кафедраси устозларининг ижодий ишлари кўпчилик эътиборига тушди. Ўзбекистонлик рассом Хуршид Зиёхонов ва тожикистонлик рассом Парвин Гуловнинг "Маҳалла бўйлаб сайр" деб номланган ҳамкорликдаги ижодий кўргазмаси очилди.

Марказий кўргазмалар зали ҳудудида "Асфальтга муҳрланган болалик" деб номланган лойиҳа очилди. Унда болажонлар асфальтга рангли бўрлар билан беғубор расмлар чиздилар. Марказий кўргазмалар зали олди ва атрофларида ёшлар ижодидан таркиб топган экспозиция ажиб манзара касб этган. Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчилари акварелда гуллар, манзаралар чизишмоқда. Ўқувчи ва талабаларнинг турли йўналишдаги ижод намуналари намойиш этилди. Айниқса, сомон санъати йўналишида ижод қилаётган Сабина Нусратуллаеванинг ишлари барчага манзур бўлди.

Халқаро Маданият карвон саройида Миллий рассомлик ва дизайн институти музейшунослик кафедрасининг "Очилмаган синоат билан юзма-юз" деб номланган кўргазмаси ҳам иштирокчилар ва томошабинлар билан гавжум бўлди. Унда элликдан ортиқ фотосурат ва нодир кулолчилик буюмлари намойиш этилди. Тадбир таниқли археологлар Кюдзо Като ва Эдуард Ретвельадзе хотирасига бағишланди.

Марказий кўргазмалар залида Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби ўқувчиларнинг замонавий ва анъанавий либослар намойиши бўлиб ўтди. Унда табиий газламалар ва мўйнадан тикилган миллий ҳамда замонавий либослар ёшларда қизиқиш уйғотди. Мазкур намойишдан кейин Ўзбекистон халқ рассомлари Жавлон Умарбеков ва Акмал Икромжонов маҳорат дарсларини ўтказди. Тасвирий санъат галереясида И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейи ва Бадиий академиянинг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда "Менинг она диёрим – қорақалпоғистоним" деб номланган кўргазма очилди. Экспозициядан ўрин олган икки юздан ортиқ ишларида рассомларнинг она Ватанга, табиатга бўлган меҳр-муҳаббати ифодасини топган. Ёш авлодга мансуб Саидбек Сабирбоевнинг портретлари янги ғоя ва янги шакллар билан эътиборни тортади. Тошкент Фотосуратлар уйида Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Антон Песнянинг "Ўзбекистон маҳалласига хуш келибсиз!" мавзусидаги фото кўргазмасидан Ўзбекистон меъморчилиги намуналари, поляклларнинг миллий либоси, сўлим гўшалар акс этган фотосуратлар ўрин олган.

Халқаро Маданият карвон саройида Тошкент Архитектура қурилиш институти иқтидорли талабаларининг "Баҳорий илҳомланиш" номли ижодий ишлар кўргазмаси очилди. Талабаларнинг баҳор таровати турли талқинларда ифода этилган асарлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Марказий кўргазмалар залида Рўзи Чориев номидаги Сурхондарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларнинг замонавий ва анъанавий либослар намойиши ўтказилди. Ўзбекистон давлат санъат музейида Зинаида Ковалевская таваллудининг бир юз йигирма йиллигига бағишланган ижодий кўргазма очилди. Рассом маиший жанр устаси, деган эътирофга сазовор бўлган. У умрининг охиригача маҳаллий аҳоли кундалик турмуши, тарихий обидалар, беғубор болалар қиёфаларини меҳр билан чизган.

Бадиий ижодкорлар уюшмаси анжуманлар залида "Ўзбекистон замонавий миниатюра санъати" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида "Камолиддин Беҳзод издошлари" миниатюра ва халқ амалий санъат асарлари танлови ғолиблари ҳамда тасвирий санъат йўналишида энг яхши асар, деб тан олинган ишлар муаллифлари Бадиий ижодкорлар уюшмаси томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар. Ғолибларнинг сара асарлари кўргазмада намойиш этилди.

Марказий кўргазмалар залида Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг замонавий ва анъанавий либослар намойиши, Марина Бородинанинг "Замонавий маҳаллаларимизнинг ландшафт дизайнлари" номли интерь ва ландшафт дизайни бўйича маҳорат дарси бўлиб ўтади. Бадиий ижодкорлар уюшмаси анжуманлар залида рассом Журъат Раҳмон каталогининг тақдимоти, Марказий кўргазмалар залида эса ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов маҳорат дарсини ўтди.

Ҳафталик бугун, Марказий кўргазмалар залида фаол иштирокчиларга соврин ва дипломларни тантанали топшириш маросими билан якунланади.

Сарвара ҚОСИМОВА

САДОҚАТДИР УМРНИНГ БАХТИ

Нуриддин АМИНЖОНОВ

АЁ ДЎСТ...

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,
Қалқиган юракдан отилди нидо.
Васл боғи жонланди, хаёл сурилди,
Аразга йўл очди қайси бир хато.

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,
Ғийбатлар зарбига берганман бардош.
Ёлғизлик тутди қўл, фироқ дил тилди,
Изтироб ғумони – чимирилган қош.

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,
Оёқлар бўшашди, кўздан қочди нур.
Наҳотки, бир ҳамроҳ сўлга бурилди,
Наҳотки, панд берди бетизгин ғурур.

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,
Кел, йўлдан ғумонни суриб ташлайлик.
Интиқлик азобда ушлаб турибди,
Изн бер, барини бошдан бошлайлик.

САДОҚАТ

Ним очилган кўзимга
Борлиқнинг ғами чўкди.
Нафас сиғмай бўғзимга,
Нола тизими чўкди.

Йўллар сени йўқотди,
Кўзларимга кирмадинг.
Зорлик эмган тонг отди,
Хаёлларга чирмадинг.

Исминг боғлаб тилимга,
Тиним бермай айтаман.
Изинг ташла йўлимга,
Йўлимни узайтаман.

Ошиқлар хиёбони,
Иккимизга жой сақлар.
Садоқатнинг осмони,
Йўл ёритар ой сақлар.

Ҳувиллаган кунларим,
Маъюсликка ботмасин.
Ором ютар тунларим,
Сенсиз асло отмасин.

Илтижолар нигоҳим
Гавҳарини ўймасин.
Кўриб турган Аллоҳим
Мени сендан қўймасин.

ОШИҚ

Хаёл олмас кўкдаги қушдан,
Алам чеккан кўргани тушдан.
Бевафолик заҳмини тотгач,
Айро тушган ақлдан, ҳушдан.

Боши қуйи, хиёбон кезар,
Кўзлар сўниқ хор, нолон кезар.
Тикилганлар зумдаёқ сезар,
Айро тушган ақлдан, ҳушдан.

Фарҳоду Қайс, Вомиқу Тоҳир,
Висол майин тотмаган охир.
Ҳатто бугун учрар бирда-бир,
Айро тушган ақлдан, ҳушдан.

Чап кўксида муҳаббат тахти,
Садоқатдир умрнинг бахти.
Кимки деса: ростмикан аҳди,
Айро тушган ақлдан, ҳушдан.

Аё Мажнун, бу қайтар дунё,
Ўнгланмагай тик боқса хато.
Нуриддин ҳам топгунча вафо,
Айро тушган ақлдан, ҳушдан.

БЎЛМАСА

Ниҳол қандай барқ урсин
Илдизда нам бўлмаса,
Сувга йўл қайда, кетмон
Тутган одам бўлмаса.

Гул фасли ўтиб қуёш
Аямаса ҳарорат,
Тонгни ҳам файз йўқламас,
Биллур шабнам бўлмаса.

Меҳр қўйиб қадалган
Ниҳол шохи ёзса барг,
Улкан чинор бўлар у
Боғбон беғам бўлмаса.

Ҳузур туйиб яшамоқ
Бахтидан ким мосуво?
Ким лоқайдликка маҳкум,
Шаҳдам қадам бўлмаса.

Ҳаракатда барокат
Нақлига қилган амал,
Йўқчиликдан йироқдир,
Ғафлат ҳамдам бўлмаса.

Нуриддин, Бойчиборинг
Улоқда ўзмоқ истар,
Илҳом оти ўзмагай
Хотиринг жам бўлмаса.

Эълон

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati»

МЧЖ дастлабки очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ танлов савдоларига, "Чорсу буюм савдо комплекси" АЖнинг 2022 йил 07 апрелдаги 55-сонли буюртманомаси ҳамда 2022 йил 20 апрелдаги 63-сонли хатига асосан, Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 42-В уйда жойлашган савдо шаҳобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1.105-дўкон умумий майдони 18,6м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси– 33 628 800 сўм.

2.106-дўкон умумий майдони 18,6м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 33 628 800 сўм.

3.107-дўкон умумий майдони 29,6м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм.

4.108-дўкон умумий майдони 16,24м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 117 873 168 сўм.

5.109-дўкон умумий майдони 16,82м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 122 082 925 сўм.

6.110-дўкон умумий майдони 15,2м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 98 148 000 сўм.

7.111-дўкон умумий майдони 16,6м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 99 200 000 сўм.

8.112-дўкон умумий майдони 18,0м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 100 500 000 сўм.

9.113-дўкон умумий майдони 12,0м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 42 681 000 сўм.

10.114-дўкон умумий майдони 9,0м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 32 010750 сўм.

11.115-дўкон умумий майдони 9,0м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 32 010 750 сўм.

12.116-дўкон умумий майдони 8,0м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 28 454 000 сўм.

13.117-дўкон умумий майдони 12,0м² бўлган миллий кийимлар савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 42 681 000 сўм.

14.75-дўкон умумий майдони 12,0м² бўлган савдо шаҳобчасининг бошланғич баҳоси – 54 000 000 сўм.

15. 9-дўкон умумий майдони 32,0м² бўлган миллий кийимлар савдо растасининг бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). **Талабгорларнинг таклифлари 2022 йил 23май куни соат 15:00дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилиш 2022 йил 20 май куни соат 18:00да тўхтатилади.

Шунингдек, савдо шаҳобчалари 2022 йил 23 май куни танловда ижарачиларини топмаган тақдирда такрорий танловлар 2022 йил 30 май, 6-, 13-, 20 июн кунлари **соат 15:00дан бўлиб ўтади**. Аризаларни қабул қилиш танловдан уч кун олдин 18:00да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг беш фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширишгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй.

Тел: (095) 195-12-21. *www.1kms.uz.*

Электрон почта: *kmsxuz@inbox.uz* , *kmsxuz@mail.ru.*

Лицензия RR-0001.

Ўзбекистон давлат хореография академияси жамоаси Хореография кафедраси доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қорақалпоғистон халқ артисти Қўрқмас Сагатовга турмуш ўртоғи

Лидия АБДУЛЛАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ЯШАЯПСАН, ЯХШИЛИК ҚИЛ...



Раҳматли Хосият холам ўрганишсин дея менга ва Зайнаб холамнинг ўғлига Самарқанд шаҳридан иккита қашқар рубоби олиб келиб берганди. 1973 йили онам бизларни туман маданият бўлимига олиб борди. Биз тўғаракда "Қошлари қундуз қизгина..." қўшиғининг мусиқасини ўргандик.

Китоб тумани Маданият бўлими биносидан катта кўчага – туман марказига чиқиб айланганимда, кўзим "Болалар мусиқа мактаби" деган ёзувга тушди. Бино ичкарисига кириб қизиқиб билдимки, бу ерда ўзбек миллий чолғу асбобларини ҳам ўргатишаётган экан. Ўшанда Қобил Воҳидов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти(ҳозирги университет)нинг мусиқа-педагогика факультетини тамомлаб, мазкур муассасада фаолият бошлаган кезлар эди.

Синфдошларим ва мактабдошларимдан бир нечтамиз ушбу мусиқа мактабининг фаол ўқувчиларига айландик. Устоз Қобил Воҳидов айни билимга эга, куч-ғайратга тўлган пайти, ёшларга ўргатишдан, фортепиано жўрлигида ижро қилишдан чарчамасди. Вақт ўтиб ўрта таълим мактабларида ҳам мусиқа, ашула ва хор тўгараклари ташкил қилина бошланди. Биз ўқиган 4-мактабда ҳам фидойи раҳбар Аҳад Хўжаев ташаббуси билан ашула ва хор дастаси ташкил қилинди. Унга мусиқа ўқитувчиси Х.Ҳусанова раҳбар эди. Менга чалишим учун ўрта мактабдан ғижжак чолғуси берилганди. Уни мусиқа мактабига олиб бориб, Қобил аканинг кўмагида ўрганардим. Болалар мусиқа мактаби ҳамда ўрта таълим муассасалари ўртасида санъат йўлидаги ҳамкорлик шу тариқа жадал ривожланди.

Ўша дамларда, тумандан ташқари, республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри ҳамда вилоят маркази Қаршида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тадбирлар кўп эди. Уларда бизнинг Китоб туманимиз ёшлари ҳам фаол иштирок этиб, кўплаб совринли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлишган. Бу ишларнинг бошида болалар мусиқа мактабига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Қобил Воҳидовдек меҳрибон, талабчан устозларимиз турганини бугун фахрланиб тилга оламиз.

Қобил аканинг шогирдлари кўп. Уларга мусиқа ўқитувчиси сифатида ҳам, директор ёки илмий мудир сифатида ҳам бевосита ва билвосита устозлик қилиб келган, санъатда ўз йўлини топишига кўмаклашган ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти бўлиб ишлаётган Эгамберди Турсунов ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси Юсуф Воҳидовни 1981–1982 йилларда, ҳали ўқувчилик давридаёқ, Қобил ака Тошкентдаги Глиэр номли мусиқа мактабига олиб борган. Шогирдлари Шерзод Шавриқов, Хусан Қаюмов ҳамда Отабек Воҳидов республика миқёсидаги танловларда совринли ўринларни эгаллаб, консерватория талабаси бўлишган.

Қобил Воҳидов нафақат устоз педагог, балки ўзбек мумтоз қўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида ҳам санъат ихлосмандларига яхши таниш. У киши борган даврада, албатта, "Ушшоқ"ни сўрашади. Навоий, Фузулий, Бобур ғазаллари билан айтиладиган "Баёт I", "Кошки" каби қўшиқлар ҳам бирин-кетин уланиб, кўнгил қатларига сингиб боради. Устоз 1993 йили ўтказилган Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ҳамда Юнус Ражабий асарлари ижрочиларининг республика кўрик-танловида совриндор бўлган. Ҳозирда ҳам атоқли санъаткорлар Ҳасан Ражабий, Тоҳир Ражабий, Ўктам Аҳмедов, Аҳмаджон Дадаев каби мақом ижрочилари, Аваз Мансуров, Рифатилло Қосимов каби композиторлар билан ижодий мулоқотда бўлиб келмоқда.

Устоз яхши санъаткор, маҳоратли ўқитувчи бўлиши баробарида, шеърлар ҳам ёзади, куй басталайди. Ижодкорнинг кўплаб шеърлари республика, вилоят ва туман матбуотида чоп этилган. У киши ўттиздан зиёд куй-қўшиқлар муаллифи. 1996 йили "Ўзбекистон Ватаним маним!" кўрик-танловининг туман босқичида болалар боғчаси тарбиячиси Дилбар Турсунова Қобил Воҳидов сўзи ва куйи билан ижро этган "Китобим" ҳамда Отабек Воҳидов Лола Ўроқова сўзи билан ижро этган "Онам билан суҳбат" қўшиқлари соврини ўринларга сазовор бўлганди. Туманимизнинг ҳам ўтмиши, ҳам бугуни ифодаланган "Китобим" қўшиғи санъат ихлосмандлари томонидан ҳозиргача севиб ижро этилади.

Устоз иқтидорли шогирдлари билан қанчалик фахрланса, шогирдлар ҳам устозлари билан шунчалик ғурурланишади. "Қобил ака ўз касбини ҳурмат қилган, севган инсон, – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Эгамберди Турсунов. – Ҳамиша барчага ёрдам қўлини чўзиб келади. Айниқса, қобилиятли болаларни доимо қўллаб-қувватлаган. Болалигимда мени раҳматли устозимиз, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов қўлига олиб келиб топширган. У кишининг йўл-йўриқлари, сабоқлари туфайли биз бугун устоз сифатида анъанани давом эттираяпмиз".

Туманимиз санъати ва маданияти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XX асрнинг 70–80 йилларида Каромат Рустамова ташаббуси билан ташкил қилинган "Юлдуз" ансамблининг ижодий парвозида, "Китоб гуллари" дастаси ютуқларида ва бошқа шу каби санъат гуруҳларининг муваффақиятларида Қобил Воҳидовнинг бевосита катта хизматлари бор. Мусиқа мактаби қошида унинг ташаббуси билан ташкил этилган "Мактаб филармонияси"да эса ўнлаб санъат ғунчалари етишиб чиққан.

Қ.Воҳидов сўнгги етти-саккиз йил оралиғида пойтахтда туриб, ёшларга мусиқа илмидан сабоқ берди, кўплаб ўғил-қизларни олий ўқув юртларига тайёрлади. Яқинда устоз яна туғилиб ўсган юртига қайтганидан хабардор бўлдик. Айни пайтда Шаҳрисабз педагогика институтининг санъатшунослик кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Яқинда кафедра ташаббуси билан Китоб туманидаги 5 мактабда маҳорат дарси ўтказилди. Институт раҳбариятидан тортиб талабаларгача, мактабларнинг мусиқа фани ўқитувчилари-ю ўқувчиларгача тадбирда иштирок этди.

Собир МАМАНОВ,
фахрий журналист

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Ипотека akfa

Бош муҳаррир Салим АШУР

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1106. Буюртма Г - 444.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X